

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“АРХИТЕКТУРА” ЙЎНАЛИШИ**

**“ШАҲАРСОЗЛИК ВА ЛАНДШАФТ  
АРХИТЕКТУРАСИ”  
модули бўйича  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент – 2016

## Архитектура

Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:** ТАҚИ, т.ф.н., доцент Исамухамедова Д.У.

ТАҚИ, ассистент, Бурхонова Н.А.

**Тақризчи:** Bo Yang, Ph.D., Professor of Civil Engineering, Director of international Exchange Office, Deputy Director of Structural Engineering Research Institute, Chongqing University, China.

*Ўқув -услубий мажмua Тошкент архитектура қурилиши институти Кенгашининг 2016  
йил \_\_\_\_\_ даги \_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>60</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>66</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>72</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>73</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>79</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўнимкамларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

«Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» модулидан ишчи дастур “Архитектура” таълим йўналишлари соҳасидаги Олий таълим муассасаларида педагогик фаолиятини олиб бораётган профессор – ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари баён этилган. Дарс машғулотларида янги технологияларни қўллаш қонун-қоидалари талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Ишчи дастурда келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек, бу ўқув машғулотларининг технологик картасини, яъни профессор-ўқитувчи мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичмабосқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Ишчи дастурнинг концептуал асослари қисмида дастлаб «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» модулининг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур модулнинг таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган концептуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган ўқитиш технологиялари тақдим қилинган.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни **“Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси”** модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуслари билан таништиришдан иборат.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасидаги инновацияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” модулининг вазифалари:

- шаҳарсозлик соҳасидаги меъёрий хужжатлар тизимидағи, қурилишни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, шаҳарлари реконструкция қилиш ва

ободонлаштириш соҳасидаги инновациялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасидаги инновацияларнинг илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишида ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасидаги сўнгги ютуқлар, меъёрлар тизими;
- қурилиш меъёр ва қоидаларига киритилган ўзгартиришлар;
- шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасидаги фанларни ўқитишидаги илғор хорижий тажрибалар;
- шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасини янги услубида ташкил этиш;
- календар режалашдаги инновациялар;
- шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасидаги инновацион ғоялар;
- шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасидаги долзарб масалалар;
- шаҳарсозликда ҳозирги замон муаммолари ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

шаҳарсозлик ва ландшафт лойиҳа ғоясини асослаш, унинг моҳиятига кўра лойиҳалаш турларини ажратса олиш, меъёр ва директив органларининг ҳамда халқаро талабларига жавоб берадиган хужжатлар тузиш;

шаҳарларни ривожлантириш ва ободонлаштириш лойиҳа тизимидағи янгиликларни;

Ўзбекистон Республикасининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш;

шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасида дунё бўйича эришилаётган ютуқлардан хабардор бўлиш;

шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси соҳасида мутахассиларни замонавий талаб даражасида ўқитиши мезонларини ишлаб чиқиш;

шаҳарсозлик ва ландшафт архитектуси йўналишида ҳозирги кундаги муаммоларни ҳал этиш борасида **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- лойиха ғоясини асослаш графаналитик моделидан фойдалана олиш, лойиҳани бошқаришда халқаро модуллардан фойдаланиш; шаҳарсозлик назарияси тарихи ва замонавий тенденцияларини, халқаро лойиха тажрибаларини ўрганиб чиққан ҳолда амалиётда фойдаланиш;

- кам энергия сарф қилувчи, табиатга заарар келтирмайдиган эко шаҳарлар лойиҳалаш.

Тингловчи: ўз фанларини ўқитишида шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, лойиҳалашни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, эко шаҳарларни лойиҳалаш соҳасидаги янгиликларни ўринли ишлата олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” модулини ўқитиши жараёнида қуидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;

виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби”, ва “Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш” ва бошқа блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилишни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар бўйича малака ва кўнималарини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан	
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	Мустақил таълим
1.	Шаҳарсозлик назарияларининг ривожланиши	2	2	2			
2.	Идеал шаҳарлар моделлари назарияси ва уларнинг амалга ошириш усулларини ўрганиб чиқиш.	3	2		2		1
3.	Ўзбекистон шаҳарсозлигининг ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари	2	2	2			
4.	Шаҳарнинг меъморий-бадиий композициясини таҳлил қилиш.	2	2		2		
5.	Шаҳарсозликнинг замонавий тенденциялари ва муаммолари.	2	2	2			
6.	Шаҳарсозлик фаолиятида тарихий мероснинг муҳимлигини тадқиқ этиш.	2	2		2		
7.	Шаҳарсозлик экологияси.	2	2		2		
8.	Ландшафт архитектурасининг генезиси.	3	2	2			1
9.	Ландшафт архитектурасининг мақсади ва вазифаларини таҳлил қилиш.	2	2		2		
10.	Ландшафтлар ва замонавий ландшафт архитектураси тўғрисида тушунчалар.	2	2	2			
11.	Ландшафт архитектурасининг асосий элементлари таҳлили.	2	2		2		
12.	Ландшафт урбанизмини муҳокама қилиш.	2	2		2		
13.	Шаҳар боғлари ва парклари ҳақида маълумотлар тақдимоти.	2	2		2		
<b>Жами</b>		<b>28</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>		<b>2</b>

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ****1-мавзу: Шаҳарсозлик назарияларининг ривожланиши.**

Шаҳарлар ривожланиши босқичлари. Шаҳарсозлик назарияларининг ривожланиши. Утопистлар ғоялари. Шаҳарсозлик фаолиятининг таркиби ва обьекти. Келажак шаҳарсозлиги ғоялари. Шаҳарлар ривожланиш босқичлари. XIX-XX асрлар шаҳарлари ривожланиш хусусиятлари. Дастробаби боғ-шаҳарлар назариялари. Чизикли шаҳарлар назарияси. Ле Корбюзе ижоди. Доксиадис назарияси. Ҳозирги кунда лойиҳаланаётган келажак шаҳарлари.

## **2- мавзу: Ўзбекистон шаҳарсозлигининг ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари.**

Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг қисқача ривожланиш тарихи. Протоشاҳарлар. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари. Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги замон аҳоли жойлашуви хусусиятлари. Ўзбекистонда илк шаҳарларнинг шаклланиши, протошаҳарлар. Ислом келгандан кейин шаҳарлар ўзгариши. Амир Темур даврида шаҳарсозлик ривожланиши. Ўзбекистонда шаҳарлар аҳолисининг ўсиши. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги урбанизация хусусиятлари. Ўзбекистоннинг ҳозирги замон аҳоли жойлашиши хусусиятлари.

## **3- мавзу: Шаҳарсозликнинг замонавий тенденциялари ва муаммолари.**

Шаҳарсозлиқда кўриб чиқиладиган масалалар. Ижтимоий-иктисодий масалалар. Санитария-гигиеник масалалар. Техникавий қурилиш масалалари. Архитектуравий-бадиий масалалар. Шаҳар агломерациялари. Урбанизация. Урбанизациянинг белгилари. Сохта урбанизация. Тисланувчи урбанизация. Мегаполис. Шаҳарларни лойиҳалашда табиатни асрар масалалари. Шаҳарсозликнинг муҳим масалалари. Катта шаҳар ва агломерациялар камчиликлари. Ҳозирги замон урбанизациясининг моҳияти. Мегаполислар.

## **4- мавзу: Ландшафт архитектураси генезиси.**

Ландшафт архитектура ривожининг эволюцияси. Боғларнинг ривожланиш тарихи. Ўзбекистонда боғдорчиликнинг ривожланиши. Ландшафт архитектураси усуллари. Ландшафт дизайни. Географик ландшафт. Дастрлабки боғлар ҳақида тушунча. Боғ-парк санъати стили. Форс маданияти боғлари. Амир темур даври боғлари. Уйғониш даври боғдорчилиги. Ҳозирги замон ландшафт архитектураси хусусиятлари.

## **5- мавзу: Ландшафтлар ва замонавий ландшафт архитектураси тўғрисида тушунчалар.**

Ландшафтлар тўғрисида тушунчалар. Ландшафт архитектура йўналишининг пайдо бўлиши. Фредерик Олмстед ижоди. Ақшнинг миллий парклари. Ландшафт архитекторлари мактабини ташкил этилиши. Боғ-шахарлар ғояси ва худудий режалаштириш. IFLA фаолияти. Табиий ланшафтлар. Антропоген ландшафтлар. Ҳозирги замон ландшафт архитектурасининг йўналишлари. Ландшафтлар тўғрисида тушунчалар. Ландшафт архитектура йўналишининг пайдо бўлиши. Фредерик Олмстед ижоди. Ландшафт архитекторлари мактабини ташкил этилиши;

Боғ-шахарлар ғояси ва худудий режалаштириш. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ландшафт архитектураси тараккиёти. IFLA фаолияти.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот:** Идеал шаҳарлар моделлари назарияси ва уларнинг амалга ошириш усулларини ўрганиб чиқиш.

**2-амалий машғулот:** Шаҳарнинг меъморий-бадиий композициясини таҳлил қилиш.

**3-амалий машғулот:** Шаҳарсозликнинг замонавий тенденциялари ва муаммолари.

**4-амалий машғулот:** Шаҳарсозлик экологияси.

**5-амалий машғулот:** Ландшафт архитектурасининг мақсади ва вазифаларини таҳлил қилиш.

**6-амалий машғулот:** Ландшафт архитектурасининг асосий элементлари таҳлили.

**7-амалий машғулот:** Ландшафт урбанизмини мухокама қилиш.

**8-амалий машғулот:** Шаҳар боғлари ва парклари ҳақида маълумотлар тақдимоти.

Амалий машғулоларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра суҳбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўкув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маърузалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулоларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Замонавий шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасининг ривожланиш босқичлари ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиб чиқиш. Идеал шаҳарсозлик фоялари, келажак шаҳарларини яратишдаги изланишларни ўрганиб чиқиш. Шаҳарлар ривожланиши жараёнида юзага келаётган урбанизация муаммоларини ҳал этишга интилишлар. Шаҳарларни реконструкция қилиш ва ободонлаштиришда шаҳарлар эстетик кўриниши, тарихий меросининг сақланишини ҳисобга олиш. Шаҳарларни лойиҳалаш ва реконструкция қилишда ландшафт архитектурасининг аҳамияти ва ролини кўриб чиқиш. Ландшафт архитектурасининг асосий элементлари ва омилларини ўрганиб чиқиш. Урбанизация жараёнида ландшафтни тўғри ташкил этишнинг аҳамияти. Шаҳарнинг асосий кўкаламзор худудлари – шаҳар боғлари ва паркларини ўрганиб чиқиш.

## ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

<b>№</b>	<b>Топшириқ турлари</b>	<b>Баллар тақсимоти</b>	<b>Максимал балл</b>
1	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2.5
2	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўнимларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;  
ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

tinglovchilarning munosabatlari individuallarini guruhiy tarbitda takdimot qiliлади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билиmlарни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр: “Замонавий шаҳарсозлик лойиҳалашда амалга оширилаётган эко шаҳарлар технологиясида шаҳарнинг зарарли чиқинди чиқариши 100% га камайтирилмоқда”.**

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан munosabatiningizni FСMU orқали taҳliл qiliнг.

## “SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Шаҳарсозлар малакасини оширишда шаҳарсозлик лойиҳалашнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси фанининг томонлари	Шаҳарсозик фаолиятидаги асосий тушунчаларни таҳлил қилиб, афзалликлари ва камчиликларини тушуниб етган ҳолда амалда тадбиқ этилади. Шаҳарсозлик соҳасида замонавий лойиҳалар таҳлили, инновацион технологиялардан боҳабар бўлиш ва фойдалана олиш бўйича маълумотлар олиш мумкин.
W	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси фанининг кучсиз томонлари	Баъзи назарий билимларнинг амалиётда фойдаланишнинг қимматлиги.
O	Шаҳарсозлик лойиҳалашда олинган билимларни ҳаётда тадбиқ этиш имкониятлари (ички)	Хозирги экологик муаммолар долзарблашиб борётган урбанизация жараёнларида профессионал ёндошув.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Янги инновацион технологияларнинг қимматбаҳолиги.

## «Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот

берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзалик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер-ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким

## Архитектура

(Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Тошкент вилоятининг Бекобод туманида янги кичик шаҳар лойиҳалаш таклифи ишлаб чиқиши жараёнида ушбу ҳудудга саноат корхоналарининг яқинлиги ва улардан чиқадиган заарли чиқиндилар шаҳар аҳолиси соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Санитар-ҳимоя ҳудудини жойлаштириш учун етарли ҳудуд этишмовчилиги лойиҳани инқироз ёқасига олиб келди. Юзага келган муаммони ҳал қилиш чора-тадбирлари кўриб чиқилиши жараёнида саноат корхоналарининг заарлилик даражаси аниқланиб, замонавий технологиялар ёрдамида унинг заарлилик даражасини камайтириш, яъни замонавий фильтр ускуналари ўрнатиш, санитар-ҳимоя ҳудудини имкон қадар заҳарли газларни қайтарадиган дарахтлар турларини танлаган ҳолда лойиҳалаш таклифи киритилди.

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳларда).

Олинган натижалар асосида муаммони ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқиши (жуфтликлардаги иш).

## “Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали тингловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, тингловчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**“Шаҳарлар ривожланиш босқичлари”** мавзусидан:

<div style="border: 1px solid #ccc; padding: 10px; width: 100%;">  <p><b>Тест</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Келажакда аҳолининг ўсиш жараёни қандай омил?</li> <li>• - Демографик омил;</li> <li>• - Табиий омил;</li> <li>• - Ижтимоий омил;</li> <li>• - Иқтисодий омил;</li> </ul> </div>	<div style="border: 1px solid #ccc; padding: 10px; width: 100%;">  <p><b>Қиёсий таҳлил</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳоли сонининг ошиши жараёнини таҳлил қилинг?</li> </ul> </div>
<div style="border: 1px solid #ccc; padding: 10px; width: 100%;">  <p><b>Тушунча таҳлили</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳоли сони</li> <li>• Шаҳар кенгайиши</li> </ul> </div>	<div style="border: 1px solid #ccc; padding: 10px; width: 100%;">  <p><b>Амалий кўникма</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шаҳарларнинг аҳолиси кўпайиши жараёнида юзага келадиган муаммолар таҳлили</li> </ul> </div>

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Шаҳарсозлик назарияларининг ривожланиши.

##### Режа:

- 1.1. Шаҳарлар ривожланиш босқичлари;
- 1.2. XIX-XX асрлар шаҳарлари ривожланиш хусусиятлари;
- 1.3. Дастребаки боғ-шаҳарлар назариялари;
- 1.4. Чизиқли шаҳарлар назарияси;
- 1.5. Ле Корбюзе ижоди;
- 1.6. Доксиадис назарияси;
- 1.7. Ҳозирги кунда лойиҳаланаётган келажак шаҳарлари.

**Таянч иборалар:** Вавилон шаҳри, гипподам системаси, Жомбоз қалъа, Европа шаҳарларининг реконструкцияси (XIX-XX a), Калькутта шаҳри, Э.Говардинг боғ-шаҳар лойиҳаси, Милютин гоялари, Сориа Мата ижоди, Ле Корбюзе гоялари, Куёши шаҳар лойиҳаси, Чандигарх шаҳри, Доксиадиснинг шаҳар концепцияси, эгуменополис гояси, Оскар Нимеер ижоди, Лилипадс келажак шаҳри гояси, Масдар шаҳри лойиҳаси.

#### 1.1. Шаҳарлар ривожланиш босқичлари.

Дастребаки шаҳарлар ҳунар инсон фаолиятининг алоҳида тармоғи сифатида шакллана бошлаган даврда, жамиятда меҳнат тақсимоти вужудга келиши натижасида шаклланди. Шаҳарлар ҳарбий истеҳкомлар (қалъа шаҳарлар) ва савдо манзилгоҳлари сифатида шакллана бошлади.


Шаҳарлар вақт ўтиши билан ривожланиш жараёнида жамиятнинг талабларига мос равишда шаклини ўзгартирган. Шаклланган шаҳар ўз навбатида, жамиятнинг ҳаёт тарзи кучи билан аҳолиси дунёқарашига таъсир этган. Ижтимоий ва функционал шароитлар билан бир қаторда географик муҳит ва иқлим ҳам шаҳар шаклланишининг муҳим омилига айланди.

Географик муҳит жамият тараққиётининг табиий базаси бўлган ҳолда доимо инсон жамиятига таъсир этади, бироқ табиат шароитларининг ҳар хил хусусиятлари атроф-муҳит шаклланишига қаттиқ таъсир қилиши мумкин, унинг ривожланишини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин.

Шаҳарлар қурилиши принциплари ҳақида дастребаки ёзма ва археологик маълумотлар шаҳар маданиятининг қадимги маркази хисобланадиган Қадимги Мессопотамияга тегишли.

Эрамиздан олдинги V асрдаёқ тарихчи Геродот қадимги даврнинг энг йирик шаҳарларидан бири Вавилон тўғрисида маълумот берган. У квадрат шаклидаги йирик шаҳар бўлган. Ундаги кенг қўчалар дунё томонларига қаратилган ва тўғри бурчак остида кесишган. Тепалиқда эса хукмдор саройи жойлашган бўлиб, у боғ хиёбонлари ва тепалик ён бағрида жойлашган турар-жой кварталлари билан

боғланган. Шаҳар кўчманчилар ҳужумидан ҳимояланиш учун баланд девор билан ўраб олинган. Қуюқ кўкаламзорлар ва ариқлар чўлнинг иссиқ шамолларини юмшатиб турарди. Кўчаларнинг тўғри бурчакли лойиҳаланиши бундай иқлим шароитида шаҳар ҳудудини керакли микдорда шамоллатиш имконини берган.



Вавилон шаҳрининг режавий схемаси (эр.авв.2000 й.).

Шаҳарсозлик антик даврга келиб гуллаб-яшнади. Грек шаҳарларида *гипподам системаси* деб номланувчи аниқ тўғри бурчакли принципга асосланган кўчалар лойиҳаси кенг тарқалди. Қачонлардир Рим империяси таркибида бўлган шаҳарларда бу система кейинчалик ҳам ривожланди. Бу система алоқаларнинг қулийлашуви ва иссиқ иқлим шароитида ҳудудни яхши шамоллатишга имкон беради.

Қадимги ҳинд трактати Манасарада тўғри бурчакли схемага асосланаган шаҳарнинг ривожланган шакли ҳақида ёзилган. Шунингдек, иссиқ иқлими шароитда шаҳар қуришда энг қулай жой танлаш принциплари ҳам келтирилган.

МДҲ давлатлари орасида машҳур шаҳарлардан бири қадимги Хоразмдаги Жомбоз Қалъа шаҳри эр.авв. IV асрда шаклланган. Шаҳар иккита жамоа уйлари, улар орасидан олов ибодатхонасига олиб борувчи кўчадан иборат бўлган. Жамоат уйлари лойиҳасида шаҳарнинг мунтазам режаси акс этади.

Кейинги даврда феодаллик даврида шаҳарсозликда кўчаларнинг радиал-халқасимон тизими тарқала бошланди. Бу усул қалъа атрофида ҳунармандлар манзилгоҳлари шаклланиши асосида вужудга келди.

Ҳунармандлар ва савдогарлар манзилгоҳлари ўз марказларига – бозор майдони ва бошқарма биносига эга бўлган. Одатда, ҳунармандлар манзилгоҳлари

## Архитектура

атрофи ўзининг девор ва миноралари бўлган яна бир қалъа билан ўраб олинган. Бу даврда қуруқлик ва сувдаги савдо йўллари катта аҳамиятга эга бўлган. Шахарга қайтиб келган аҳоли жойлашиши йўлнинг иккала томонида амалга ошган, марказдан эса кўчалар радиал йўналишда тарқалган. Радиал савдо йўллари, халқасимон истеҳкомлар бўлган йўлаклар тизими кўчалар тизимининг радиал-халқасимон структурасини шакллантириди, бу тизим кўпгина замонавий шаҳарларда сақланиб қолган.

XIX аср охири – XX аср бошларида шаҳарларнинг ўсиши билан шаҳарсозлик назарияси ҳам ривожланди. Бу даврда Вена, Берлин, Париж, Лондон каби йирик шаҳарларнинг қайта режалаш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Реконструкция қилинаётган, янги, шунингдек, назарий шаҳарларнинг кўкаламзорлаштирилган ҳудудлари тизими лойиҳалаш тизимининг ажralmas қисми сифатида лойиҳаланди. Аҳолининг шаҳарга оқиб келиши юқори кўрсаткичга етиши ва бу билан қурилмаларнинг зичлашиши кузатилган. XIX аср шаҳарсозлиги шаҳар аҳолисининг меъёридан ортиқ даражада зичлиги, иложи борича кўпроқ аҳолини камроқ жойга жойлаштиришга ҳаракат қилиш билан ажralиб туради.

Кўпгина йирик шаҳарлар марказий туманларида турар-жойлар зичлиги баъзан 80-90 %га етган. Уйлар тўхтовсиз юқорига ўса бошлаган, ландшафт бузилган, дараҳтлар нобуд бўла бошлаган, тарихий шаклланган меъморий ансамбллар бузилган. Қурилмалар орасидаги масофалар бир қанча даражалардаги автойўллар, тўхташ жойлари, омборлар ва бошқалар билан банд этилди.

XIX-XX асрда чет давлатларда секин-аста от кучи ўрнини механик транспорт эгаллай бошлади. Автомобиллаштириш ривожланиши эски кўчалар тизимини яроқсиз ҳолга келтириб қўйди ва бу нарса XX аср шаҳарлари инқирозида ўз аксини топди. Савдо-молиявий ва саноат фирмалари жойлашган ҳудуд шаҳар марказига айланди. Шаҳар марказий қисмида ҳашаматли уйлар қурила бошланди, шаҳар четида эса кулбалар жойлашган. Фабрика ва заводлар атрофида табиий равишда қулайликларга эга бўлмаган турар-жой поселкалари пайдо бўла бошлади. Марказнинг ҳашаматли кварталлари ва қулайликларсиз чекка қисми орасидаги кескин қарама-қаршилик капитализм ривожланиши даври учун хосдир.

Ривожланган давлатлар шаҳарлари архитектураси уларнинг этник таркиби каби мураккаб ва хилма-хил. Африка ва Осиё давлатларини кўриб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, баъзиларининг чегаралари ҳудуднинг этник ва тарихий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда йирик ҳукмрон давлатлар таъсири доирасини ажратиш натижасида пайдо бўлган. Кўпгина шаҳарлар табиий бойликлар жамланган ва мустамлакачи давлатларга олиб кетиш учун қулай жойлари бўлган ҳудудларда шаклланган.

Шаҳар архитектураси даврлар ўтган сари бир-биридан унчалик ҳам фарқ қилмайдиган маданий маҳсулотга айланниб бормоқда. Саноат шаҳарлари ўзининг минтақавий ва тарихий фарқини йўқотиб, марказдан қочириш сабабли ўзининг асосий аҳоли қисмини ва шаҳар атрофидаги ҳудудларини йўқотганига узоқ йиллар бўлмоқда. Хозирги кунда Шимолий американкларнинг кўпчилик қисми бўш вақтларини анъанавий зич шаҳарларда ўтказиш ўрнига, кенг ўсимликлар билан

ўралган, автомобил учун қулай жойга эга, аҳоли зич бўлмаган жойларда ўтказишмоқда<sup>1</sup>.

Мустамлака давлатлар урбанизацияси йирик капиталистик давлатлар шаҳарлари ривожланишидан сезиларли даражада фарқ қилган. Европада капитализмнинг ривожланиши саноат соҳасига мослашган шаҳарларнинг шаклланишига олиб келди. Собиқ мустамлака давлатларда иқтисод жаҳон капиталистик бозорида аграр-хом ашё қўшимча сифатида ривожланди, қўпчилик шаҳарлар эса аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланишидан келиб чиқиб ҳунарманд-савдогарлик соҳаси бўйича ривожланди.

Яқин шарқнинг кўп шаҳарлари бой тарихга эга. Бу ерда қадимги финикияликлар ва римликлардан қолган манзилгоҳлар харобаларини учратиши мумкин. Шаҳарлар қадимдан қолган, халқаро савдо йўлида жойлашган манзилларини сақлаб қолишиган. Истеҳкомлар билан ўралган бу шаҳарлар марказлари ўз таркибига қадимий кварталлар, архитектураси ажойиб бўлган ибодатхоналар, масжид ва боғларни киргазган. Куб шаклидаги қадимий уйлар ўзаро боғланиб, ягона туарар-жой массивларини ташкил этади. Кўп миллатли аҳоли алоҳида бўлиб яшашган. Ҳар бир ижтимоий ва миллий гурух алоҳида кварталларда жойлашиб, бир-бiri билан аралашиб кетмаган. Бу масалада Дамашқ, Иерусалим, Бейрут шаҳарлари мисол бўла олади. Фес, Работ, Тунис ва б. шаҳарларда худуд феодал ўтмишдан қолган аниқ функцисионал қисмларга ажралган. Худудни ҳунарманд-савдо ва туарар-жой туманлари, маъмурий ва ибодат марказлари, қишлоқ хўжалик ҳудудларига ажратиш мумкин.

Европа колонизациялаш даврида анъанавий иерархия бузилди. Масалан, Алжир шаҳрида эски кварталлар устидан европа типидаги бинолар қатори жойлаштирилган янги кўча трассалари ётқизилди. Ҳарбий, транспорт ва савдо пунктларига бўлган эҳтиёж туфайли европаликлар баланд яssi ҳудудларда бир-бiriiga ўхшаш шаҳарлар қуришди, бироқ, улар босиб олган шаҳарлар маданияти ёдгорликларида намоён бўлади. Қадимги саройлар замонавий баланд фирмалар бинолари билан рақобат қиласи, масжидлар – мустамлакачилар черковлари билан, анъанавий ҳунармандчилик устахоналари – фабрика ва заводлар билан.

Мадина – Работнинг эски шаҳар ядроси (Марокашнинг пойтахти) – ўзида Қирол саройи ва қадимги мустамлакачилар маъмуриятини жамлаган катта Европа кварталлари билан ўралган. Бу бинолар ҳозирги кунда миллий маъмурият томонидан банд этилган.

Сахрои кабирнинг водий шаҳарлари ҳам ривожланишининг мураккаб йўлини босиб ўтишди. Оқ ва ёрқин рангларга бўялган анъанавий қулбаларга миллий услугда яратилган ҳашаматли бинолар бўлган кварталлар қўшилди.

Кўрсатилган ҳудуднинг умумий шаҳар кўриниши бу хусусий ер эгалиги натижасида шаҳар ҳудуди зич қурилмалар шакллангунига қадар майда ер бўлакларига бўлинди. Шаҳардаги барча ҳаётий ноқулайликлар шунинг оқибатида вужудга келганки, ер рентаси унинг bemalol ривожланишига халақит берувчи шаҳарнинг ўрта аср тузилишини акс эттиради. Барча олдинги даврлар шаҳарсозлиги алоҳида ансамбл учун, кам ҳолларда ансамбллар системаси учун

<sup>1</sup> Waldheim C. "Landscape as urbanism a general theory". AVA Publishing USA. 2010. Стр.12

## Архитектура


кatta бўлмаган худудлардан фойдаланди. Шаҳарлар алоҳида кўчалар қурилиб, секин-аста шаҳар майдонини эгаллаш йўли билан қурилган.

Осиёнинг кўпгина йирик шаҳарлари темир йўл ва автомагистраллар билан қисмларга ажралган. Кичик шаҳарларнинг мустақиллиги аҳамияти йўқола бошлади. Шаҳарлар ягона системада бирлаша бошлади ва агломерацияларни вужудга келтира бошлади. Ҳиндистонда Осиё бўйича энг йирик иккита агломерация шаклланди – Калькутта ва Бомбей агломерациялари.

Калькутта – 30 та йўлдош шаҳарлари бўлган транспорт, савдо ва маъмурий марказ. Калькуттанинг тошли марказий қисмини хом ғиштдан қурилган кулбаларда яшовчи зичлашган кўплаб камбағал кварталлар ўраб олган. Бомбей маркази четида кўплаб Европа типидаги кўп қаватли уйлар жойлашган, магистраллар билан қисмларга ажратилган. Бу худудга хунармандларнинг бетартиб қурилган кварталлари, заводлар майдончалари уланиб кетган. Бошқа жойларга нисбатан бу ерда пулдорларнинг ҳашаматли саройлари ва камбағаллар кулбалари орасидаги кескин фарқ яққолроқ намоён бўлган. Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳарларида ҳали-ҳануз турар уйларда замонавий жиҳозлаш ва транспорт алоқалари, яшаш худудида муҳандислик ва санитар-гигиеник ҳолатларининг ортда қолиши муаммолари ечилмаган.

Келажак шаҳарларни лойиҳалаш учун ҳозирги аҳволга объектив баҳо бериш керак ва алоҳида ўтмиш шаҳарсозлик контсептсияларини кўриб чиқиш лозим. Шаҳарсозлик соҳасида сотсиал-утопистлар орзулари инсоннинг гармоник ривожланиши ва ижтимоий адолатга ёрдам берадиган шаҳарлар яратишга асосланган эди. Утопистлар ғоялари шаҳарсозликнинг кейинги ривожланишига, айниқса шаҳарлар аҳолисини меъёrlаштириш муаммолари бўйича майший хизмат кўрсатишни умумлаштириш, боғ-шаҳарлар яратиш ғоялари катта таъсир кўрсатади.

1898 йили Э. Говард радиал халқали тархий таркибли боғ-шаҳар ғоясини таклиф қилди. Шаҳар кенг радиал хиёбонлар билан олти қисмга ажратилган айлана шаклда. Марказий маъмурий-жамоат майдони парк билан ўраб олинган. Тураг-жой халқаси ичida яшил белбоғ бўлиб, унда мактаблар ва спорт иншоотлари жойлашган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ва аҳоли дам олиши учун катта шаҳарнинг ташқи қисми ажратилган. Шу тарзда марказий парк ва яшаш худудининг яшил белбоғи ўзаро ва шаҳар атрофи худуди билан хиёбонлар орқали боғланиб, ягона системани ташкил этади. Говарднинг назарий модели ҳар бир алоҳида ҳолат учун ечим топиш имконини берди.



**3- rasm. E.Govardning bog'-shahar loyihasi.**  
 a – tarh: 1 – jamoat binolari joylashgan markaziy park; 2-sayrga mo 'ljallangan xrustal galereyalar; 4 – maktab; 5 – cherkov; 6 – sanoat hududi; b – bog '-shaharni hajmiy-fazoviy rekonstruktsiyasi  
 (L.B.Raptovning grafik rekonstruktsiyasi)

Бунга қарама-қарши XIX аср охирида испан инженери Сорна-И-Мата томонидан чизиқли шаҳар ғояси илгари сурилди.

Архитектор И. Леонидовнинг Магниторск шаҳри учун берган лойиҳавий таклифида шаҳарнинг ривожланиш жараёнида асосий қисмлари орасида гармоник нисбатни топишга интилиш акс этган. Бу ерда шаҳар саноат қисмига олиб борувчи, туар-жойларга параллел жойлашган маданий, спорт, медитсина ва бошқа жамоат бинолари ва иншоотлари билан қурилган шоссе бўйлаб ривожланади.

Н. Милютин шаҳар ривожланишининг функционал-оқимли чизмасини таклиф қилди. Бунда саноат қисми туар-жойларга ва бошқа функционал қисмларга параллел ҳолда жойлашади. Бу ғоя баъзи янги замонавий шаҳарлар бош режаларига асос қилиб олинди. Арид (курғоқчил) иқлим шароитларида қабул қилиниши мумкин бўлган энг қулай шаҳар тархий таркиби бўлиб тўғри чизиқли тархий таркибни кўрсатиш мумкин.

Иссиқ қуруқ иқлим шароитида инсоннинг яшashi учун биринчи навбатда сув зарур. Уни қандайдир яқинроқ дарёдан қўплаб километр узокдан каналлар ёрдамида олиб келадилар. Каналнинг қирғоғини сув ювиб кетмаслиги учун одамлар

## Архитектура

уни тўғри қилиб кўрганлар, кўп ҳолларда каналларни текис худудларда қурганлар. Бундан каналларга параллел ва перпендикуляр кўчалар келиб чиқсан.

Тўғри чизиқли тархий таркиб бир қанча хусусиятларга эга:

у туар-жойлар худудларини иш ва дам олиш жойларига максимал яқинлаштириш имконини беради;

шаҳар жамоат марказини кейинчалик ривожлантириш имконини берадиган тўғри чизиқли қилиб кўришни белгилайди;

транспорт ва пиёда йўллар коммуникатсиялари тизими қисқаради ва уларни ташкил этиш енгиллашади. Аммо чизиқли таркиби кўплаб километрга ривожланганда ўзининг таркиби ва тархий бирлигини йўқотиши мумкин.

Баъзи совет архитекторлари режалаштиришнинг радиал-халқали чизмасидан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Аммо бу ҳолда туар-жойлар билан ўралган шаҳар маркази ривожланиш имкониятидан маҳрум, саноат корхоналари эса, шаҳарнинг ўсиши билан туар-жойлар ичida бўлиб қолади.

20-йиллар охирида Н.Ладовский радиал-халқали ва тўғри чизиқли чизмаларни тадқиқ қилиб, шаҳарнинг янги параболик тархий таркибини таклиф қилди. У шаҳарнинг барча қисмларини мавжуд марказни сақлаб қолган ва ривожлантирган ҳолда бир текисда ривожлантириш имконини беради. Уни эски марказ атрофида букилган Н. Милютин тугри чизиқли схемаси деб кўриш хам мумкин.

1922 йили Ле Корбюзе ўзининг 3 млн. кишилик марказида юқори қаватли минорали уйлари бўлган замонавий шаҳар лойиҳасини кашф этди. Бунда марказда 1 млн., қўкаламзор жойларда эса 2 млн. аҳоли яшаши кўзда тутилган. Бу шаҳар марказлаштирилган режасининг композицион ўқи бўлиб, баланд иморатлар билан қурилган хиёбонлар хизмат қиласиди. Шаҳарнинг марказий қисмида тархига хоч шаклли, жамоат ва маъмурий мўлжалдаги 60 қаватли иморатлар жойлашади. Марказ атрофида 6 қаватли уйлар билан қурилган, эгри-бугри режали туар-жой туманлари жойлашади.

Қолган худудлар боғлар ва дам олиш қисмларига ажратилади. Туар-жой туманларининг эни 50 м ли асосий кўчалари бир-биридан 400 м масофада жойлашади.

Марказда аэродром, унинг тагида транспорт тугуни жойлашади, унинг тагида эса ер ости жамоат транспортининг вестибюли ва станциялари жойлашади.

Ле Корбюзе томонидан 1933 йилда таклиф этилган «Қуёшли шаҳар» (Лучезарний город) лойиҳаси яна ҳам машҳур бўлиб кетди. Унда очиқ чизиқли таркиб ғояси олдинга сурилгандир. Бу ғоя бироз Н. Милютиннинг «Ижтимоий шаҳар» лойиҳасини тақрорлайди.

1950 йили Ле Корбюзе ҳинд архитекторлари билан Ҳиндистоннинг Панжоб ва Хариана штатлари пойтахти Чандигарх шаҳрининг бош тархини ишлаб чиқиш ва қуришда ўзининг шаҳарсозлик ғоясини амалга оширди. Чандигарх шаҳрининг шаҳарсозлик концепцияси иссиқ иқлим шароитидаги шаҳарни режалаштириш ва қуришнинг намунасидир.

Ле Корбюзе бу шаҳарни режалаштиришнинг асосий тамойилларини қўйидагича шакллантиради:

шаҳарнинг асосий композицион ўқини жанубий-гарбдан шимолий-шарқ томонга йўналтирган (магистраллар бўйича жойлашган биноларни қуёш нурларидан сақлайди);

шаҳар таркибининг тўғри чизиқлилиги (шаҳар худуди тўғри бурчакли, ўлчами 800x1200 м ли секторларга бўлинган, уларниг ҳар бири қурилмаларининг режаси, характеристири ва зичлиги билан бир-биридан фарқ қиласди. Аҳолининг турли хил ижтимоий қатламларига мўлжалланган, қулайлик даражаси турлича бўлган хизмат кўрсатиш муассасаларининг таркиби ҳам ҳар хилдир);

шаҳарнинг кўкаламзор тизими турар-жой қисмидан ўтувчи очик кўкаламзор худудлар кўринишида кўзда тутилган;

умумشاҳар маркази шундай жойлашганки, у шаҳарнинг барча қисмларига бир хилда етарлидир;

саноат шаҳардан ташқарига чиқарилган;

транспорт алоқаси турларга бўлинган, кўча ва йўллар оддий ва мантиқий жойлаштирилган, ечими муваффақиятли ҳал этилган.

1953 йилда грек шаҳарсози К.Доксиадиснинг шаҳар концепцияси машҳур бўлди. У келажак шаҳарининг ва янги фани экистиканинг (инсон аҳоли жойлари ҳақидаги фан) назарий асосларини таърифлаб берди. Бу фан инсоннинг ҳаёт эҳтиёжлари учун улкан маконларни ташкил этиш муаммоларини қамраб олади. Доксиадис томонидан илгари сурилган, кўринишидан, янги ва ҳатто экстравагант туюлган шаҳарларни ягона мегаполисга бирлашиб кетиши, тезлиқда ўзининг янги туғилиб келаётган экологик ҳолати олдида қолоқлигини кўрсатди.

Шунга қарамай, биз бугунги кунда бутун дунёда агломерациялар пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида етарли фактларга эгамиз. Доксиадиснинг келажак аҳоли жойлашуви ғоясинн кўриб чиқамиз.

XXI аср охири келажак шаҳари муаммосини тадқиқ қилиб, Доксиадис “эгуменополис” - шаҳарларнинг гигант агломерацияларга ўсиб ўтиши -шаклидаги келажак аҳоли жойлашуви назариясини олдинга сурди. Доксиадис ўзининг келажак шахри назарий асосларида вақт омилини (тўртинчи ўлчов) асосий деб тан олади. У монолитик режали динамик шаҳар ғоясини таклиф қиласди, у шаҳарнинг ўсишида бир томонлама ривожланувчи чизиқли тузилмага айланади. Доксиадис томонидан шаҳар эволютсияси қўйидагича тасвирланган ўтмиш статик шахри шаҳар туманларини қайта қуриш орқали замонавий шаҳарга айланади ва шундай қилиб унинг маркази рак ярасига ўхшаб катталашади. Бу ҳолни тўғрилашнинг ягона йўли - шаҳар табиий ўсишининг шундай ечимини қидириш керакки, унда кейинги элементлар ривожлана туриб, мавжудларини йўқ қилиб юбормаслиги керак, яъни, шаҳарнинг бутун худуди ва марказининг аста-секин, тўсиқсиз ривожланиши кузатилади.

Доксиадис назарияси бўйича динамик шаҳар маркази таркиби унинг доимо ўсиши талабларига жавоб бериши керак. Марказ илгари танланган ўқ бўйича эркин ривожланиши лозим унда аввал шаҳарнинг марказий ядроси жойлашади, у кейинчалик бир йўналишда ривожланади.

Доксиадис бўйича шаҳар ўз ривожланишида тўртта босқичдан ўтади «динаполис» (бир йўналишда ривожланувчи монотцентрик шаҳар) ва «динаметрополис» (бир нечта «динаполис» ларнинг параллел ривожланиши) дан

## Архитектура

«динамегаполис» (гигант-шаҳарларнинг ривожланиши) ва шаҳар тузилмасининг охириги босқичи – “екуменополис” бўлиб, бу ер шари бутун континентларини кўплаб олган шаҳарлар кўринишидаги бир текис ва мувозанатли аҳоли жойлашуви шакли.

Доксиадис динамик шаҳар назариясига асосан экумекополис босқичининг статиклиги қарама-қаршидир, унда шаҳар ўсиши, тўла мувозанатга етгач тўхтайди. Бу ғоянинг биринчи салбий томони - шаҳарнинг ривожланиш қонуниятлари ёки бу мамлакатда шаҳарсозликнинг ижтиомий, иқтисодий ва тарихий шартшароитларини ҳисобга олмай кўриб чиқилган. Иккинчидан эса, бу аҳоли жойлашуви табиий-иклимий, ижтиомий-иктисодий шароитлар ва аҳолининг этник хусусиятларини ҳисобга олмай стандартлашгаришdir.


Доксиадис ўз ғоясини Покистоннинг янги пойтахти Исломобод шаҳри бош режасида амалга ошири, шунингдек, унинг ғояси у томонидан Суданнинг пойтахти - Хартум шаҳрини лойиҳалашда ўз аксини топди.

Бизда ва чет элларда жуда хилма-хил келажак шаҳарлари контсептсиялари мавжуд. Денгиздаги шаҳарлар, кўприк-шаҳарлар, воронка сифат, пирамида шаҳарлар ва хоказолар. Ўз вақтида бу утопиялар тўғрисида архитектура доктори А.Е.Гутнов айтган эдики, шаҳарлар бир неча юз йил эволюцияга эга бўлган. Шаҳарларни одамларнинг мулоқот ҳудуди сифатида сақлаб қолиш лозим. Буни айтиш осон, аммо бу вазифани бажариш бугунги шаҳарни келажак шаҳрига ўтмишни йўқотмай, ҳозир билан бойитиб ўстириш қийин. Архитекторнинг шаҳар аҳолиси билан диалоги натижасида пайдо бўладиган шаҳар - бу хақиқий демократик шаҳардир.

Янги шаҳарларнинг тарихий чизмалари асосан 3 принципial ечимга эга:

- шаҳар тархининг компакт, радиал-халқали кейинчалик ривожланиш келажагисиз;
- кенг парк ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш қисмлари билан қамраб олинган тарихий таркиби сийраклаштирилган шаҳар;
- параллел турар-жой, саноат, жамоат марказлари, транспорт, дам олиш ва бошқа қисмлардан иборат чизиқли таркибли шаҳар.

Чизиқли шаҳарнинг бир қанча ўзгартирилган ғоясини амалда архитекторлар Л.Коста ва О.Нимеерлар лойиҳаси бўйича яратилган Бразилия шаҳрининг режасида кўриш мумкин. Мамлакатнинг ичкарисида, тропик континентал иқлими саванналарда жойлашган шаҳарнинг қурилиши уч йилдан кўпроқ вақтда амалга оширилади. Шаҳар 500-700 минг кишига мўлжалланган. Ҳисоб вақтидан кейинги аҳоли жойлашуви йўлдош шаҳарларда амалга оширилади. Бу табиий шароитларни ўзгартириш, замонавий архитектура тамойиллари ва Бразилия қурилиш санъати миллий анъаналарини уйғуллаштиришнинг энг муваффақиятли намунасидир.



Бразилия (Бразилия). Бош тарҳ. Архитектор Л. Коста

1 - Уч ҳокимият майдони; 2 – вазирлик бўлими; 3 – кафедрал собор; 4 – маданият муассасалари бўлими; 5 – театр; 6 – банклар ва давлат муассасалари; 7 – савдо маркази; 8 – отеллар; 9 – радиотелевизион минора; 10 – спорт маркази; 11 – мунитсипалитет майдони; 12 – политсия; 13 – темирийўл вокзали; 14 – 16 – элчихоналар; 17 – тураг жой кварталлари; 18 – бир типдаги индивидуал тураг уйлар; 19 – қасрлар тумани; 20-21 – ботаника боғи; 22 – 23 – автостантсијалар; 24 – Аврора саройи – президент қароргохи; 25 – “Бразилия” отели; 26 – ярмаркалар ва савдо кўргазалари; 27 – отда юриш клуби; 28 – қабристон; 29 – аэропорт; 30 – голф клуб; 31 – расадхона; 32 – ҳўжалик омборлари; 33 – типография; 34 – депо

Ҳозирги кунда ҳам архитекторлар идеал шаҳарлар яратиш ғояларини илгари суришмоқда ва бу ғояларда экологик заарсизлик ва тозалик биринчи ўринда турибди. Албатта экологик софликни асраб қолиш учун оптимал кўкаламзорлар тизимини яратиш ва чиқиндилар чиқариши назоратга олиш муҳим. Архитекторлар бу масалани ҳал қилиш учун ҳаракат қилишмоқда ва қатор ютуқларга эришишмоқда. Қуйида замонавий шаҳарсозликнинг энг самарали наъмуналари билан танишиб чиқамиз.

Дунёдаги энг тоза шаҳар бу – Масдар Сити. 2008 йилда дунёдаги биринчи карбонат ангидрид гази чиқармайдиган, оддий автомобилларсиз ва чиқиндиларсиз шаҳар – Масдар Сити қурилиши бошланди.

6 км<sup>2</sup> майдонли ушбу шаҳар Бирлашган Араб Амирликлари худудидаги Абу Даби шаҳрида қурилади, у 40-48 минг аҳолини ўзида жамлаши мумкин, шунингдек, ундан ҳам кўп туристларни ҳар куни қабул қила олади ва унда барқарор ривожланишнинг қатъий принципларига амал қилинади.

Шаҳар юқоридан қараганда жимжимадор конструкциялар билан қопланган ва бу конструкциялар шаҳарни қуёш нуридан ҳимоя қиласи. Шаҳарда кенг қуёшдан қизиган асфальтли майдонлар умуман бўлмайди, лекин бу очиқ фазовий муҳитлар бўлмайди дегани эмас, балки бундай ҳудудлар тураг-жой атмосферасига мослаштирилган ҳолда яратилади.

Шаҳарда барча энергия қуёш ва шамол энергияси, чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқа қайта ишланувчи энергия манбаларидан қувват оловчи фотоэлектрик панеллар орқали таъминланади. Чиқиндилар қайта ишланиши натижасида 99 %га

## Архитектура

қисқартирилган. Шаҳарда карбонат ангидрид газини чиқарувчи транспорт умуман қўлланилмайди, шаҳар ичидаги автомобилларнинг экологик моделлари қўлланилади ва келувчилар фақат автомобиллардан биргаликда фойдаланиши, ҳамда жамоат транспортидан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, пиёда сайр қилувчилар учун унча кенг бўлмаган ва соя қилинган пиёда йўллари лойиҳаланган ва унда қулай микроиклим яратиш чоралари кўрилган.

Архитектураси мамлакат анъаналарини ўзида акс эттиради. Меҳнат шароитлари эса халқаро меҳнат стандартларига жавоб беради. Шаҳар барча демографик гурухлар талабларини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Шаҳар дизайнни билан архитектор Норман Фостер бошчилигидаги Foster + Partners компанияси шуғулланмоқда.



Масдар Ситининг умумий кўриниши ва шаҳар интеръери.  
Foster + Partners иллюстрациялари

## Архитектура

Келиб чиқиши бельгиялик бўлган француз архитектори Венсан Каллебо (Vincent Callebaut) 50 минг аҳоли учун улкан шаҳар-лилия (Lilypad) лойихасини таклиф қилди.

ХХ асрда дунё океанининг сатҳи атиги ўн сантиметрга кўтарилиган бўлса, ХХI асрда 50 сантиметрга кўтарилиши тахмин қилинмоқда (бунинг учун Антарктида музининг бор-йўғи 1 %и эриши кифоя). Улкан шаҳар-лилия эса қуруқликдаги ҳароратнинг кўтарилиши оқибатларидан қочадиган эмигрантлар учун мўлжалланган.


Кўринишидан Lilypad улкан сув лилиясига ўхшаб кетади (унинг энг йирик тури – амазон лилияси). Қурилманинг икки қаватли қоплами титан диоксиди билан қопланган полиэфир толасидан иборат. Шунингдек, қуёш батареялари, шамол ва тўлқинлар энергияси, Ернинг биомассаси энергияси, сувни тозалаш ва фитотозалашдан фойдаланиш ҳам ушбу лойиҳага хосdir. Унинг мувозанатини марказида жойлашган ва чучук сув билан тўлдирилган ҳавза ушлаб туради. Бу қисм океан сатҳи билан баравар туради ва у ерда ёмғир сувлари йиғилиб, қайта ишланади.



Улкан амазония лилияси, Lilypad нинг умумий кўриниши.  
Арх. В. Каллебо

Lilypad нинг океангага қараган юзаларида денгиз ўсимликларидан қурилган “боғлар” жойлашади, деворлар қатламида эса, одамлар яшайди ва денгиз флора ва фаунаси тадқиқотчилари ишлашади. Турли-туман жониворлар ва ўсимликлар

екополис ичида жойлашади, Каллебо кўп осма боғлар ва фермалар қўллашни таклиф этмоқда.



Lilypad нинг қурилиш босқичлари. Арх. В. Каллебо

### Назорат саволлари:

1. Э.Говард боғ-шаҳар ғоясининг мазмунинимадан иборат?
2. Ле Корбюзьенинг шаҳарларни ривожлантириш бўйича таклиф қилган қандай лойиҳаларини биласиз?
3. Ле Корбюзье ўзининг шаҳарсозлик ғояларини қайси шаҳарни лойиҳалашда ва қуришда амалга оширди?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.

### **2 мавзу: Ўзбекистон шаҳарсозлигининг ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари.**

#### **Режа:**

- 2.1. Ўзбекистонда илк шаҳарларнинг шаклланиши,protoшаҳарлар;
- 2.2. Ислом келгандан кейин шаҳарлар ўзгариши;
- 2.3. Амир Темур даврида шаҳарсозлик ривожланиши;
- 2.4. Ўзбекистонда шаҳарлар аҳолисининг ўсиши;
- 2.5. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги урбанизация хусусиятлари;
- 2.6. Ўзбекистоннинг ҳозирги замон аҳоли жойлашиши хусусиятлари.

**Таянч иборалар:** Протошаҳарлар, Дорун, Берун, мўгуллар шаҳарсозлиги, Арк, работ, Амир Темур, кўчманчи манзилгоҳлар, даҳа, гузар, Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг ўсиши, Ўзбекистон ҳудудидаги янги шаҳарлар

#### **2.1. Ўзбекистонда илк шаҳарларнинг шаклланиши, protoшаҳарлар.**


Ўрта Осиё табиат қарама-қаршиликларига тўла бўлган кенг воҳа. Қумли сахролар, гуллаган боғлар ва узумзорлар, тоғларнинг қорли чўққилари, чуқур даралар ва чексиз яшил водийлар. Унинг марказий қисмидан (ҳозирги Ўзекистон) қадимдан Европани Осиё билан, Осиёни Шимолий Африка билан боғловчи карvon йўллари ўтган.

Шаҳарларнинг ривожланиши бу бир қатор мавхум ва сиёсий жараёнлар натижасидир. Бунда нафақат бизнинг меҳнат фаолиятимиздаги тажриба балки, лойиҳалаштириш жараёнида қабул қилинган карорлар ҳам ўз тасирини ўтказамай қолмайди<sup>2</sup>.

Шаҳарлар тарихи эрамиздан олинги учинчи, иккинчи минг йилликка бориб тақалади. Ҳозирги Сурхондарё ҳудудида дастлабки шаҳарлардан – *protoшаҳар* (прото-олдингиси) қолдиқлари топилган. Бундай шаҳарларда коридорлар хўжалик ва мудофа мақсадларида фойдаланилган.

---

<sup>2</sup> Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010. Стр.91



Дастлабкиprotoшаҳарларнинг режавий шакли

Эрамиздан аввалги IV-II асрларда Ўрта Осиёни И.Зулқарнайн босиб олади ва эллинизм даври бошланади (Эллада-Греция). Греция шаҳарлари режаси бу даврда шаклланган шаҳарларга таъсир қилган. Эр.авв. биринчи минг йилликда ҳозирги Бухоро ўрнида қалъя ва унинг олдида бозор шаклланган. Кейинчалик қалъя ўрнида Арк қурилган, бозор эса давом эттирилган. Шаҳарни иккита асосий йўл тўрт қисмга ажратиб турган ва уларнинг чорраҳасида савдо тими жойлашган. Туарар-жойлар тўғри бурчакли режа асосида жойлашган. Мутахассислар бундай шаҳар режасини Греция шаҳарсозлигининг таъсири деб ҳисоблашади.

Эрамиздан аввалги III аср, эрамизниг I асирида Ўрта Осиёни кўчманчи қабилалар турклар эгаллашади ва шаҳарларда кўчманчилар анъаналари билан синтез юзага келади. Шунингдек, бу даврда кўчманчилардан ҳимояланиш мақсадида шаҳарларни ўраб турувчи қалъя деворлар – *работлар* шакллана бошланди. Турклар келган пайтда асосий аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган, улар 2, 3 қаватли туарар-жойлар – қасрларда яшашган ҳамда уйларининг олдида кўкаlamзорлаштирилган худуд томорқалари мавжуд бўлган.

Ислом келгандан кейин (VIII аср) шаҳарда савдогарлар яшашган, деҳқонлар эса шаҳар атрофларида яшашган. Шаҳарда 1, 2, 3 қаватли зич туарар-жойлар ва маъмурий бинолар шаклланди. Шаҳарларда ички ва ташқи мудофа деворлари қурилди ва улар Дорун-ички, Берун-ташқи деб номланган.


XIII-XIV асрларда Ўрта Осиёни мўғуллар босиб олгач, шаҳарларни кўчманчи манзилгоҳлар режаси асосида қуришган. Дастлабки кўчманчилар ўтовлари мўғулларда – гер, туркларда – уй деб аталган. Уларни жойлаштиришда бир оила ёки бир оиласдан тарқалган қариндошлар герларини айлана қилиб ўрнатишган, ўртада эса оила бошлигининг гери бўлган (оила бошлигининг олови атрофида жойлаштиришган). Ўғиллар отасининг орқасида ўрнатишган. Шунингдек, дунё томонларига нисбатан ҳам оила аъзолари обрўсига кўра жойлаштиришган.

Амир Темур даврида Ўрта Осиё ўзининг энг гуллаб яшнаган даврини бошидан кечирди. Амир Темур Чингизхон меросини қадрлаган ва мўғуллар анъаналарини давом эттирган, шунингдек, Европа билан алоқаларини мустаҳкамлаб, ўзаро малака алмашган.

Бу даврда шаҳарнинг работ ва берун, дарун типи ўзгарди, Амир Темур шаҳарда радиал схемадаги кўчалар типини қўллади. У Мовароуннахр хукмдори

## Архитектура

бўлгач, илк пойтахти Балх шаҳрини радиал кўчалар билан 8 қисмга ажратган. Уларнинг чорраҳасида шаҳар маркази жойлашган. Балх шаҳри шаҳарсозлик услуби Ғарб шаҳарсозлигига таъсир кўрсатган.



Кўчманчилар шаҳарлари эволюцияси.

1 – чорва молларини сақлаш жойи; 2 – кўчманчилар лагерининг жойлашиши;  
3 – кўчманчилар монастири режаси; 4 – мўғуллар қурган Нарике Хирхира шаҳри.

Амир Темур даври шаҳарсозлигида Европа шаҳарсозлиги таъсири сезилади. Айниқса, унинг ҳукмдор бўлган йилиёқ янги пойтахти деб эълон қилинган Самарқанд шаҳрини қуришда Флорентсия шаҳарсозлиги излари сезилади. Амир Темур келгунча шаҳарда иккита работ қурилган, биринчи девор X асрда, иккинчи девор XI асрда қурилган. Темур хокимиятга келганда эса, биринчи работ деворлари қолмаган, фақат иккинчи девор ҳаробалари бўлган. Иккита работ ўрнида п шаклида кўчалар бўлган, шаҳар тўғри бурчакли режага эга бўлган. Амир Темур шаҳарни жарликкача кенгайтириб, янги Ҳисор деворини қурдирган. Шаҳарда ички работ деворларидан кетган олтида радиал кўчалар олтида дарвозага олиб борган.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиёни Шайбонийлар бошқарган ва бу даврда (Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида) Бухоро гуллаб яшнади. Абдуллахон II даврида турклар Ўрта Осиёни артиллерия билан таништиради ва бу ҳол шаҳарсозликка таъсир кўрсатади. Бухоронинг мудофа деворлари артиллерияга мослашган ҳолда қалинлашади, тепаси артиллерия аравачалари юриши учун кенгаяди ва маълум масофаларда миноралар ўрнатилади.

Бу давр шаҳарсозлигига яна бир муҳим жиҳат шаҳарларнинг кенгайиш моделидир. Шаҳарлар дастлаб ғарб томонга, кейин шарқ, шимол, жануб томонга кенгайган. Кейин ораларидағи бўшлиқлар ҳам тўлиб, айлана мудофа девори билан ўраб олинган. Ғарб томонда асосан, юқори табақали аҳоли яшаган, ҳовлилар катта ва кенг бўлган. Бундай хусусият Бухоро ва Хива шаҳарларига хосдир. Ушбу моделдан фойдаланиб архитектор Кишо Курокава Астана шаҳрининг бош тархини лойиҳалаган.

XVIII асрнинг биринчи ярмида Буюк Ипак Йўлининг аҳамияти йўқола бошланди, ўзаро жанглар, кўчманчиларнинг тўхтовсиз ҳужумлари, вабо каби касалликлар тарқалиши оқибатида Ўрта Осиё танг аҳволда қолди. Бир неча шаҳарлар инқирозга учраган, Амир Темур яратган давлат парчаланиб, кичик шаҳар давлатлар пайдо бўлди ва ўз-ўзини қутқаришга ҳаракат қилди. Бу шаҳардан йириклари ичидаги учтаси хонликни ташкил этди. Булар Бухоро, Хива, Кўқон хонликлариидир.

XVIII асрдан бошлаб, Россия билан билан савдо алоқалари натижасида Тошкент Ўрта Осиё марказига айланди. Тошкент аниқ режавий структура асосида шаклланди. Шаҳар тўрт даҳага ажратилган, ташқи деворлари сақланиб қолган эди. Даҳадан кичик гузар, гузардан кичик маҳалла бўлган. Ҳар бир даҳа шаҳарнинг маъмурий қисми ҳисобланиб, ўзини ўзи бошқарган ва ҳатто ўзининг ҳарбий кучларига эга бўлган.


Ўзбекистон жаҳоннинг ilk урбанизация ўчоқларидан бири. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Термиз, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари 2000-2700 йиллик тарихга эга. Мамлакатнинг турли ҳудудларида топилган шаҳарлар қолдиқлари (Афросиёб, Аҳси, Поп, Насаф, Кеш, Пойкенд ва б.) ҳам бу ерда урбанизациянинг қадимдан ривожланиб келганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда 120 та шаҳар ва 117 та шаҳарча мавжуд бўлиб, уларда 9442 минг киши ёки мамлакат жами аҳолисининг 36,3 % яшайди.

Шаҳар аҳолиси 1865-1917 йилларда паст суръатлар билан кўпайди. 20-асрнинг бошларида шаҳар аҳолиси сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви натижасида нотекис ўсади. Бунга 1924 й.да амалга оширилган Ўрта Осиёning миллий-маъмурий қайта бўлиниши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1926-40 йилларда шаҳар тармоғи ва шаҳар аҳолисининг сонида катта ўзгаришлар бўлди. Индустрлаштириш шиори остида ўтказилган тадбирлар 12 шаҳар қаторига янги шаҳарчаларнинг қўшилишига, шаҳар аҳолисининг эса тез кўпайишига сабаб бўлди.

2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг жами аҳолиси 1,5 млн.га камайди, бунда шаҳар аҳолисининг салмоғи анча кам. Бунинг сабаби фронтга қурол-аслаҳа ва бошқа маҳсулотлар етказиб берувчи шаҳарларнинг имтиёзлар билан таъминланиши, иккинчи сабаби фронт олдидаги корхоналарнинг аксари қисми ишчилар билан бирга шарққа, жумладан, Ўзбекистон шаҳарларига кўчирилишидир. Уруш натижасида 1 млн. туб аҳолисини йўқотган республика 1 млн. дан ортиқ европаликларга эга бўлди, бу ҳолат эса сиёсий ва демографик вазиятга ўз таъсирини кўрсатди. Урушдан кейинги «демографик компенсация» даврида шаҳар аҳолиси тез суръатлар билан кўпайди.

## Архитектура



Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сонининг ўсиши (минг киши ҳисобида).

Шаҳар аҳолиси, айниқса, 1973-86 йилларда тез қўпайган. Бунга 1972 йилда Ўзбекистонда аҳоли яшайдиган жойларга шаҳар мақомини бериш учун зарур бўлган демографик меъёренинг ўзгариши, яъни аҳоли сонининг 10 мингдан 7 минг кишига туширилиши сабаб бўлди. Натижада бир йилда ўнга яқин қишлоқлар шаҳар тоифасига ўтказилди. Масалан, 1970 йилда республикада 42 та шаҳар бўлган бўлса, улар қаторига 1973 йилда 13 та, 1974 йилда 9 та, 1975 йилда 5 та, 1976 йилда 6 та, 1977 йилда 5 та «янги шаҳар» қўшилди.

Бироқ, шаҳарлар сонининг бундай тез суръатларда қўпайиши хақиқий урбанизация эмас, қўпроқ «сохта» урбанизацияга олиб келди. Шаҳарлар сонининг қўпайиши 20-асрнинг 90-йилларида кескин қисқарди ва энг сўнгги йилларда янги шаҳарлар деярли ташкил топмади. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида 34 та, Коракалпоғистонда 29 та, Самарканд вилоятида 23 та шаҳар ва шаҳарчалар мавжуд. Уларнинг энг кам сони Сирдарё вилоятида 11 та ва Хоразм вилоятида 10 та, Бухоро вилоятида 14 та ва Навоий, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида 15 тадан, Андижон ва Қашқадарёда 16 тадан, Наманган вилоятида 20 та ва Фарғонада 19 та шаҳар ва шаҳарчалар бор (2009).

Ўзбекистонда урбанизациянинг умумий қўрсаткичи 1984 йилда 42 % дан ортиқроқ эди. Кейинги пайтда урбанизация қўламига шаҳар аҳолисининг табиий ўсиш даражасининг камайиб бориши ҳам таъсир этмокда.

Урбанизация даражасининг қисқариб боришига қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан тезроқ қўпайиши, шаҳарларда (айниқса, саноат марказларида) ташқи миграциянинг кучайиши, янги шаҳарларнинг вужудга келмаслиги ҳам сабаб бўлди. Аммо қишлоқ жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, инфратузилма ва саноат корхоналари, дам олиш масканларининг ташкил этилиши, к.х.га тегишли бўлмаган иқтисодий тармоқларда тадбиркорликнинг ривожланиб бориши урбанизациянинг ҳақиқий ҳолатини ифодалаб беради. Мазкур ўзгаришлар ҳамда шаҳарлар ривожланиши асосида Ўзбекистонда яқин йилларда урбанизация умумий қўрсаткичининг қисқариб бориши тўхтаб, ўса бошлайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 26 млн. 485 минг киши яшайди (2006), шу жумладан, шаҳар аҳолиси 9799,45 минг киши (37 %), қишлоқ аҳолиси 16685,55 минг киши (63 %).

Республика таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри - Республика миқёсидаги шаҳар киради. Республикада 121 та шаҳар, шу жумладан 55 та республика ва вилоят миқёсидаги, 113 та шаҳар посёлкалари, 35 та қишлоқ, туман марказлари мавжуд.

Республика ҳудуди 447,4 минг км<sup>2</sup> ни, аҳолининг ўртача зичлиги 53,1 одам км<sup>2</sup> ни ташкил этади, аммо республика алоҳида вилоятлари бўйича зичлик 6,9 одам км<sup>2</sup> дан (Навоий вилояти), 503,5 одам км<sup>2</sup> (Андижон вилояти) гача тебранади. Аҳоли энг зич жойлашган вилоятлар: Фарғона водийсида - Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент ва Самарқанд вилоятлариdir.

Янги шаҳарлар фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида (Ангрен, Олмалиқ, Нуробод, Қувасой, Зарафшон, Янгибод ва бошқа шаҳарлар), қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш марказлари сифатида (Янгийўл, Хўжайли, Чимбой шаҳарлари), энергетика ва кимёни ривожлантириш асосида (Чирчиқ, Навоий, Бекобод, Гулистон шаҳарлари), Нукус ва Тўрткўл шаҳарлари эса маъмурий хўжалик марказлари сифатида ташкил топдилар.

100 дан 500 мингчага аҳолили катта шаҳарларга 38,9 %; шаҳар посёлкалари орасида 39 % и 5 дан 10 мингчага аҳолили посёлкаларга; 43,1 % и эса 10 дан 20 мингчага аҳолили посёлкаларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги замон аҳоли жойлашуви ва урбанизациясининг хусусиятлари:

شاҳар аҳолисининг кичик нисбий сони;

маҳаллий аҳолининг кам худудий кўчиб юриши;

шаҳарлар тармоғида урбанистик таркибининг кам ривожланганини кўрсатувчи кичик ва ўрта шаҳарларнинг устунлиги;

шаҳар жойлари тармоғининг воҳаларда тўпланганлиги;

кичик ва ўрта шаҳарларнинг иқтисодий потентсиали кичик бўлган ҳолда саноат корхоналари ва шаҳар аҳолисининг кам сонли йирик шаҳарларда тўпланганлиги;

кўпчилик шаҳар ва посёлкалар функционал таркибининг (ривожланганлиги;

шаҳар ташкилий асоси, аҳоли жойлариаро хизмат кўрсатиш тизими ва айниқса оммавий дам олиш тармоқпари кам ривожланган маҳаллий туман марказларининг устунлиги;

интенсив суғориш дехқончилиги туманларида қишлоқ аҳоли жойлашуvinинг майдо қишлоқлардан иборатлиги;

қишлоқ урбанизациялаш жараёнида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўзаро алоқаларининг кучайиб боришида йирик қишлоқлар ролининг ўсиб бориши.


Республика учун ҳамма регионларда анчагина эркин меҳнат ресурсларининг мавжудлиги характерлидир, бу меҳнат ресурслари керакли профессионал тайёргарликка эга эмаслар.

Шаҳарларнинг ҳозирги ривожланиши республикада мунтазам урбанизациялашиш шароитларида кечмоқда. У жамиятнинг барча соҳаларини қамраб, шаҳарларнинг иқтисодий аҳамиятига, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва аҳолини ижгимоий ташкил этишдаги ролига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Республикамизда юз бераётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар Ўзбекистон шаҳарлар тармоғи ривожланиши ва аҳоли жойлашуви характери ҳамда аҳоли


## Архитектура

жойлари тармоғи таркиби ўзгариши, шаҳар аҳоли жойлашуви ареалларининг кенгайиши билан кузатиб бориляпти. Бу жараёнга аҳоли жойлари тармоқларининг нафақат воҳаларда шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, янги, илгари фойдаланилмаган республика ерларининг (Мирзачўл, Жиззах, Қарши даштлари, Марказий Фарғона ва бошқалар) мунтазам ўзлаштирилиши ёрдам берди.




Ўзбекистон республикасида аҳоли жойлашиши схемаси

Шаҳарлар тармоғининг ривожланиши республиканинг фақатгина саноати ривожланган туманларида, шунингдек, қишлоқ жойларида ҳам кичик даражадаги аҳоли жойларини юқорироғига ўтиши орқали, қишлоқ жойларни шаҳарлар ёки шаҳар типидаги посёлкаларга айланиши орқали ҳам юз берди. Республика шаҳарлари сонининг тез ўсишига улардаги аҳоли сони минимал фоизининг 10 мингдан 7 мингга камайтирилганинг ҳам натижаси бўлди. Янги шаҳарлар пайдо бўлиши асосан қишлоқ жойларни, авваламбор туман марказларини ўзгартириш ҳисобига бўлди. Бундай ўзгаришларнинг катта шаҳарлар тармоғини ривожлантиришдаги ижобий аҳамиятини қайд этган ҳолда, таъкидлаш керакки, бунда тегишли шаҳар ташкилий асос шаклланишига, шаҳар аҳолисига маданий-маишӣ хизмат кўрсатиш даражасини оширишга етарли даражада аҳамият берилмади. Бу «шаҳар ҳаёт тарзи» нинг янада кенгроқ ёйилишига, хозирги замон урбанизатсиясининг асосий масалаларидан бирини ечишга ёрдам берган бўларди.



Ўзбекистон республикасида аҳоли жойлашиши схемаси.  
Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси зичлиги.

Урбанизация фақатгина шаҳар ва шаҳарчаларнинг умумий сони билан эмас, балки кўпроқ шаҳарлар агломерациясининг ривожланганлиги билан белгиланади. Ўзбекистонда 2008 й. маълумотига кўра 17 та йирик шаҳар бор. Улар орасида Тошкент шаҳри кескин ажralиб туради. Аҳолисининг сони 2128 мингдан ортиқ бўлган пойтахт шаҳарнинг республикадаги урбанизация жараёнига бўлган таъсири бениҳоя катта. Шу тарзда Ўзбекистонда урбанизация жараёни Тошкент шаҳри, катта ва ўрта шаҳарларга боғлиқ ҳолда амалга ошмоқда. Йирик шаҳарлар негизида шаҳарларнинг мураккаб ҳудудий тизими шаҳар агломерациялари вужудга келган бўлиб, улар урбанизация ривожланишининг муҳим кўрсаткичи сифатида хизмат қиласиди. Масалан, Тошкент агломерацияси 30 га яқин шаҳар ва шаҳарчаларни бирлаштиради. Шунингдек, Фарғона Марғилон, Самарқанд, Наманган, Бухоро, Андижон, ва б. агломерациялар ҳам ривожланиб бормоқда.



## Тошкент агломерацияси

### Назорат саволлари:

- Ўзбекистон шаҳарсозлигининг замонавий ҳолати.
- Замонавий шаҳарларнинг таркибий ва функционал ўзгаришида урбанизациянинг таъсири қандай?
- Шаҳарларни таъмирлаш назарияси ва амалиётида асосий йўналишлар ниалардан иборат?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.

**З мавзу: Шаҳарсозликнинг замонавий тенденциялари ва муаммолари.**

**Режа:**

- 3.1. Шаҳарларни лойиҳалашда табиатни асраш масалалари;
- 3.2. Шаҳарсозликнинг муҳим масалалари;
- 3.3. Катта шаҳар ва агломерациялар камчиликлари;
- 3.4. Ҳозирги замон урбанизациясининг моҳияти;
- 3.5. Мегаполислар.

**Таянч иборалар:** Шаҳарсозлик, ижтимоий-иктисодий масала, санитария-гигиеник масалалар, техникавий қурилиши масалалар, архитектуравий-бадиий масалалар, француз саҳроси, урбанизация, урбанизациянинг белгилари, соҳта урбанизация, тисланувчи урбанизация, шаҳар агломерацияси, мегаполис.

**3.1. Шаҳарларни лойиҳалашда табиатни асраш масалалари.**

Инсон ҳаёти кенг маънода архитектура ва табиатни ўз ичига камраб олган атроф-муҳитда ўтади. Уларнинг ўзаро уйғунлиги инсон фаолиятининг зарурий шартидир. Қулай ва гўзал шаҳарлар, архитектуравий ансамбллар, саноат ва туараржой мажмуалари, қишлоқ ҳўжалик қурилмалари, табиий ландшафт инсон учун қулай бўлган атроф-муҳит ҳисобланади. Инсонга ўзи яратган муҳитнинг таъсири кўп қирралидир. У ҳаётнинг моддий томонларинигина эмас, балки маънавий томонини ҳам ўз ичига олади. Соф ҳаво, архитектуранинг мақсадга мувофиқлиги ва кўркамлиги, туараржой биносининг қулайлиги - буларнинг ҳаммаси инсонга ижобий таъсир кўрсатади ва аксинча, кўримсиз туараржой мавзелари, кўкаламзорларнинг йўқлиги, ҳаво ва дарёларнинг ифлосланиши унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Одамлар табиат билан асрлар оша олишиб келмоқдалар. Тупроқ, тош ва ёғочлардан уй-жой қуриш, экинзорлар барпо этиш, ер остидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш - буларнинг барчаси табиат бойликларидан фойдаланиш бўлиб, шу билан бирга табиатни барбод қилиш ҳамдир.

Шаҳар манзараси қўпқирралик ойна мисол бўлади. Бу маҳсулотнинг яхши ёки ёмон тарафларига тегишли ускуналар орқали ишлов берамиз. Илмий ва лойиҳавий модел ўзининг математик чироий орқали шаҳарнинг факат кичик бир қисминигина ифодалайди. Илмий ва эмпирик балансни тиклаш учун шаҳар ландшафтида интуитив тадқиқотга эҳтиёж бор<sup>3</sup>.

Ҳозирги техника инқилоби асрида тескари масала, яъни табиатни сақлаш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш инсон учун ҳаётий заруриятдир. Шаҳар ва табиат, инсон ва табиат бу архитектор учун бир маънодаги тушунчалардир. Улар

<sup>3</sup> Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010. Стр. 91

## Архитектура

архитектордан ўз фаолиятига фалсафий ёндошишни талаб этади, чунки архитектор инсон ва табиат ўртасидаги бирликни ўрнатишдаги етакчи шахседир. Ўзбекистонда шаҳарларни лойихалаш тураг-жой бинолари ва саноат корхоналарини санитария-гигиена оралиқларини таъминлаган, қулай транспорт алоқаларини ташкил қилган ҳолда ўзаро энг мақсадга мувофиқ жойлаштириш тамойилига асосланади. Бунда шаҳар ва шаҳар атрофига боғлар ташкил қилиш, ўрмонларни кенгайтириш, сув ҳавзаларини ташкил қилиш ва ҳоказолар орқали табиатни одамга яқинлаштириш кўзда тутилади.

Шундай қилиб, табиатни ҳимоя қилиш ва унинг бойликларидан мақсадга мувофиқ, тежамли фойдаланиш - ҳозирги замон шаҳарсозлигининг асосий масалаларидандир.

*Шаҳарсозлик* - бу ижтимоий-иктисодий, санитария-гигиеник, техник-қурилиш, транспорт ва архитектура-бадиий масалаларни биргалиқда ҳал қилувчи шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қуриш назарияси ва амалиётидир.

*Ижтимоий-иктисодий масалалар* шаҳар ва қишлоқ ривожланишининг келажагини, табиий ва ҳудудий ресурслардан иктисодий самарали фойдаланишини, аҳолининг ўсишини, аҳолига оптимал маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли жойлашуви тизимини танлашда ҳал қилинади.

*Санитария-гигиеник масалалар* аҳоли хаёти учун соғлом шароит яратиш, саноат ва аҳоли яшаш туманлари орасида санитария-химоя қисмини белгилаш, кўкаламзорлаштириш, тупроқнинг, ҳавонинг ва сувнинг (сув ҳавзаларининг) ифлосланишига ва шовқинга қарши курашни назарда тутади. Иссик иқлими туманларда ташки мухитнинг оптимал микроклимини яратиш, қуёшдан сақловчи қурилмаларни ўрнатиш, биноларни зарурий йўналишда жойлаштириш, инсоляция, ҳудудларни қуритиш ёки ободонлаштириш ҳамда фойдали шамол йўналишидан фойдаланиш масалалари ҳал этилади.

*Техникавий қурилиши масалалари* аҳоли яшаш жойлари қурилиши учун танланган ҳудудларнинг мұхандислик-геологик шароитларини ўрганиш, қурилиш техникасининг даражаси ва замонавий воситаларини аниқлаш, транспорт ва пиёдалар алоқаларининг рационал тизимини ҳал этиш, ҳудудларни мұхандислик тайёрлаш ва мұхандислик ободонлаштириш (ичимлик суви етказиш, оқава сувлар ўтказгич, иссиқ сув, совук сув, газ ва электр таъминоти ва бошқалар) ва ҳоказоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

*Архитектуравий-бадиий масалалар* шаҳарнинг умумий архитектура-режавий тузилишини, кўча ва шоҳ кўчалар тармоқларини аниқлаш, шаҳар алоҳида қисмларининг функционал тузилишини ҳал қилиш, шу жумладан, марказ композициясини ечиш билан боғлиқдир.

Бу масалалар маҳаллий табиий иқлим хусусиятларини (релеф, ландшафт, сув ҳавзалари, кўкаламзорлар ва бошқалар) миллий турмуш анъаналарини, ҳалқнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини инобатга олган ҳолда ҳал қилинади. Бу масаларни ҳал қилишга уларни биргалиқда қараш шаҳарсозликнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Шаҳарларнинг ривожланиш жараёни мураккаб ва кўп қирралидир. Унинг барча майда тафсилотларигача ҳисобга олиш мумкин эмас. Лекин бу жараённинг асосий йўналишини лойиҳалашнинг дастлабки босқичида ҳисобга олиш лозим. Кўпгина шаҳарлар бош тархларининг ҳаётий эмаслигини уларда келажакни кўра олинмаганлиги билан тушунтиrsa бўлади. Шунинг учун ҳам улар тез эскиради.

Бугун биз XXI аср архитектураси ҳақида ўйлашимиз мумкин. Бу фақат келажак учунгина эмас, балки бизнинг ҳозирги қун амалиётимиз учун ҳам мухимдир.

Ҳозирги замон архитектураси бу фақатгина санъат эмас, балки фан ва техника бирлиги ҳамдир. Билимнинг кўп соҳалари ютуқларини архитектурачалик юқори даражада бирлаштирадиган санъат йўқдир. Бу ерда ҳозирги замон шаҳарсозлиги муаммолари мажмуаларини ҳал этишда кучли компьютерлардан фойдаланиш талаб этилади.

Шаҳарлар муаммоларини бирор-бир билим доирасида қолган ҳолда тушуниш, баҳолаш ва ҳал қилиш мумкин эмас. Шаҳарларни ўрганиш ва лойиҳалаш турли фанлар ёндашишлари ва қарашларини интегратсия қилишни, шаҳарни ҳозирги дунёнинг феномени деб англашни талаб этади. Катта шаҳарлар ва агломерацияларнинг ҳамма ерда тўхтовсиз ўсиши бу ҳодисаларнинг ички қонуниятлари ва сабаблари ҳақида ўйлашга, аҳоли жойлашуви бундай шаклларининг камчиликларини аниқлашга ва уларнинг ҳақиқий қимматларини баҳолашга мажбур этади.

Катта шаҳарлар ва катта агломерацияларнинг муҳим камчиликлари:

- муҳандислик жиҳозлашнинг қимматлашуви;
- транспорт муаммоларининг қимматлашуви;
- атроф-муҳитнинг ифлосланиши;
- катта шаҳарлар аҳолисининг табиатдан узоқлашуви;
- руҳий-физиологик оқибатлари (ҳали охиригача ўрганилмаган) ва бошқалар.

Бундан ташқари катта шаҳарлар ўрта ва кичик шаҳарлардан ишлаб чиқариш кучларини «сўриб» оладилар.

Француз шаҳарсозлигига ва географик адабиётларда «*француз саҳроси*» деган тушунча мавжуд. Бу бутун мамлакат ҳаётий кучининг Париж агломерациясига жалб этилишини билдиради. Шунга қарамасдан, улкан иқтисодий, илмий ва интеллектуал потенциалга эга ахолининг бир жода тўпланишининг самараси жуда улкандир ва шаҳарларнинг ўсишини рағбатлантиради. Катта шаҳарлар ишлаб чиқариш кучларининг тезда ҳаракатга жалб қилинувчи ўсиш ресурсларига эгадирлар. Бу ерда саноат, фан ва олий таълимни кооперация қилишга, маъмурий, ташкилий ва тақсимлаш функцияларини амалга оширишга катта имкониятлар мавжуд. Бу ерда турмуш маданияти даражаси юқори аҳолига хизмат кўрсатадиган турлари кенг.

Шундай қилиб, катта шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг ривожланишида уларнинг устунликларидан фойдаланиш, ҳамда камчиликларини камайтириш мумкин. Бу масалаларни ҳал қилишдан олдин ҳақиқатда ҳам XX аср катта шаҳарлари ўтмиш шаҳарларига нисбатан яшаш учун ноқулайроқми, деган саволни таҳлил қилиб кўрайлик.

## Архитектура

Тарихий манбалар транспорт, шовқин, атроф-муҳит ифлосланиши каби муаммолар ўтмишда ҳам мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан: Қиролича Елизавета даврида Лондонда тошкўмир ёқиш тақиқланган, бунинг учун жазолашган. Бундан шу нарса кўринадики, транспорт ва экология муаммолари фақатгина шаҳар катталашуигагина боғлиқ бўлмасдан, балки уларни ҳал қилиш учун жамиятда мавжуд бўлган ижтиомий, иқтисодий, техник ва технологик воситаларга ҳам боғлиқ экан.

Ҳозирги замон энг йирик шаҳарлари ўрта аср шаҳарларига қараганда жуда катта ва ифлослантирувчи манбалар таъсири остида бўлса ҳам уларга нисбатан тозароқ, қулайроқ ва ободонлаштирилгандир.

Инсоният келажакда транспорт, экология ва бошқа муаммоларнинг ечимларини топишига шубҳа йўқдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экология ва ижтиомий кенгаси ўзининг бир қарорида шаҳарларнинг ривожланиши муаммосини ер юзида тинчликни сақлашдан кейинги инсоният олдида турган энг муҳим муаммо деб атади.

Машҳур грек урбанисти К.Доксиадис «одам шаҳарларда мағлубиятга учради, агарда шаҳар муаммосига янгича ёндашиш топилмаса, унда бизни ҳалокат кутмоқда. Архитекторлар, жўғрофиячилар, иқтисодчилар, демографлар ва бошқа кўп фанлар намоёндалари катта шаҳарлар ва урбанизм муаммолари билан шуғулланмоқдалар, ҳамма битта оқимга ташланмоқдалар фақат қирғоқнинг турли қисмларидан», - деган эди.

Ҳозирги замон урбанизмининг моҳияти, асосий тушунчалари ва энг кескин муаммолари нималардан иборат?

*Урбанизация* – (лотинча *urbs* – шаҳар) бу ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва тўпланиши, ижтиомий алоқалар шакллари, шаҳар турмуш тарзининг аҳоли яшаш жойларининг барча томонларига ёйилиши билан боғлиқ бўлган кўп қиррали бутун дунёни қамраб олган ижтиомий-иқтисодий жараён. Бу сўзниң бирорта тор тушунчалари, яъни шаҳарларнинг ва шаҳар аҳолисининг ўсиши, умумий аҳоли сонида шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиши ва ҳоказо, уни тавсифлаш учун етарли эмасдир.

*Урбанизациянинг белгилари* – шаҳарларда индустряниянг ўсиши, уларнинг маданий ва сиёсий функцияларининг ривожланиши, меҳнат ҳудудий бўлинишининг чуқурлашуви. Урбанизация белгиларидан яна бири – бу қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оқиб келиши, йирик шаҳарларга унинг атрофдаги қишлоқлардан ва кичик шаҳарлардан аҳолининг маятниксимон ҳаракатининг кучайиши.

«Соҳта урбанизация» - шаҳар орбитасига қишлоқ мигрантларининг секин-аста тортилиши, кўргина ривожланаётган мамлакатлар шаҳарлари атрофларида шаклланган кенг «қашшоқлик майдонларида» олдинги турзининг узок сақланиши.

«Тисланувчи урбанизация» - биринчи қарашда кутилмаган жараён. АҚШ бўйича сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича шаҳар аҳолиси салмоғининг бироз камайиши. Шаҳарнинг молиявий жиҳатдан таъминланган гурухи шаҳар атрофи ҳудудларига табиатга яқинроқ бўлиш, шаҳар шовқинидан узоқроқда бўлиш учун

кўчиб кетишишмоқда ва шу билан хизмат кўрсатувчи гуруҳлар ҳам шаҳар атрофига тарқалиб, шаҳар системаси тарқоқ ҳолга тушмоқда.

«Шаҳар агломерацияси» лотинча agglomerate - қўшмоқ, қўшилиб кетмоқ маъносини билдиради. Ишлаб чиқариш технологиясида агломерация «майда руда ва чангсимон материаллардан эритишни йўли билан йирик бўлаклар яратиш» маъносини билдиради.

Экологик адабиётларда «агломерация» сўзи саноат корхоналарининг бир жойда тўпланиши худудий қўшилиб кетишини билдиради.

Маълум маънода бу сўз аҳоли яшаш жойларининг тўпланиши ва қўшилиб кетиши орқали шаклан ва тузилиши жиҳатдан турлича бўлган бирлашмаларни ташкил этишига ҳам таалуқлидир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўпланиши таъсири остида агломерацияларнинг бир-бирларига яқинлашуви ва қўшилиб кетиши «мегаполис» ларнинг шаклланишига олиб келади.

*Мегаполис* кенг худудларни қамраб олувчи урбанизациялашган зоналардир. (АҚШ да Атлантика океани соҳили бўйлаб Бостон ва Вашингтон оралиғида мегаполис вужудга келган).

БМТнинг 1950 йилдаги таҳлилига кўра дунё бўйича иккита мегаполис мавжуд бўлган: 12.3 млн. аҳолили Нью-Йорк ва 11.3 млн. аҳолили Токио. 1975 йилда уларга Мехико ҳам қўшилди (Токио-26.6 млн. аҳолили, Нью-Йорк-15.9 млн. аҳолили, Мехико-10.7 млн. аҳолили). 2025 йилгача уларнинг сони 27тага етади, шунингдек, уларнинг 21таси ривожланган давлатларда жойлашади. 10 млн.дан ошиқ аҳоли жойлашган шаҳарларда аҳоли сони 1975-2007 йилларда 53 дан 286 млн.гача ошиди, 2025 йилгача эса 447 млн.гача ошиши кутилмоқда

Мегаполислар орасида Токио алоҳида ўринга эга (аҳолиси 2007 йилда 35.7 млн. киши). У Катта Токио ва атрофдаги 87 та шаҳарларни қамраб олган. Шулар жумласига Ёкогаму, Кавасаки ва Чибу каби ўзининг аниқ ҳуқуқий ўрнига эга бўлган шаҳар марказлари ҳам киради.

Токиодан кейин Нью-Йорк, Мехико ва Бомбей (ҳар бирида 19 млн.дан ошиқ аҳолиси бор), шунингдек, Сан-Паулу (18.8) агломерациялари туради.

2007 йилда энг кўп мегаполислар Осиё қитъасида бўлган, уларнинг сони ўн битта. Лотин Америкасида тўртта, Африка ва Европада биттадан мегаполис бўлган.

Сўнгги йилларда шаҳарларнинг шиддат билан ўсишини илмий адабиётларда “урбанизация революцияси” деб аташ қабул қилинган. Ҳисоб-китобларга кўра 2005 йилда шаҳарларда планета аҳолисининг ярмидан кўпи истиқомат қилиши аниқланган. Замонавий демографик шароит шуни кўрсатадики, бутун дунё шаҳар аҳолисининг учдан икки қисми ҳар йил 65 млн. янги аҳолига эга бўлаётган ривожланаётган шаҳарларда яшайди. БМТ тахминларига кўра бу 2025 йилда ривожланаётган давлатларда урбанизациялашиш даражаси 80 % га етиши мумкин.

Мегаполисларда бошқача микроклим шаклланади. Тураг-жой қурилмалари шамол тезлигини камайтиради, ҳавонинг туриб қолиши эса заарли бўлган саноат газларининг йиғилиб қолишига олиб келади. Смог – чанг, тутун ва туманнинг аралашмаси қуёш нурининг етиб келишини камайтириб, инсонларда жиддий касалликларни юзага келтиради. Шаҳар ҳарорати доим ушбу географик ҳудуд ҳароратидан баландроқ бўлади.\

## Архитектура

Даниялик эмигрант ва Чикаго ландшафт архитектори Дженс Дженсен шундай деган эди : Тўлақонли ҳаёт кечириш учун яшил массивлар билан мажмуавий қурилган шаҳарлар (фойда келтириш ёки шахсий манфаат учун қурилган шаҳарлар бундан мустасно) келажак шаҳарсозларининг асосий қизиқиши ҳисобланади. Олмстед ва Ле Корбюзье каби унинг Вузен лойиҳаси ҳам яшил мажмуа сифатида ўзида парклар ва очиқ яшил ҳудудларни акс этиради<sup>4</sup>.

### Назорат саволлари:

1. Тарихий шаҳарлар билан замонавий шаҳарларнинг фарқи нимада?
2. Шаҳарлар қандай қисмлардан ташкил топган?
3. Катта шаҳарлар ва агломерацияларнинг қандай камчиликлари бор?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўкув қўлланма, Тошкент, 2015 й.

### 4 мавзу: Ландшафт архитектурасининг генезиси.

#### Режа:

- 4.1. Дастрлабки боғлар ҳақида тушунча;
- 4.2. Боғ-парк санъати стили;
- 4.3. Форс маданияти боғлари;
- 4.4. Амир темур даври боғлари;
- 4.5. Уйғониш даври боғдорчилиги;
- 4.6. Ҳозирги замон ландшафт архитектураси хусусиятлари.

**Таянч иборалар:** Стил, услугият, мунтазам стил, эркин стил, Қадимги Миср боғлари, Форс маданияти, Чор боғ усули, Алгамбра ва Генералиф боғлари, Италия виллалари, Амир Темур даври, Самарқанд боғлари.

#### 4.1. Дастрлабки боғлар ҳақида тушунча.

Ландшафт архитектурасининг замонавий муаммоларини тушуниш унинг ривожланишининг тарихий тажрибасини ўрганмасдан мумкин эмас. Ландшафт архитектура ривожининг эволюцияси жамият ривожининг нисбий иқлим, сиёсий, маданий тарихий, ижтимоий-иктисодий, моддий-техник ва бошқа шароитларнинг тавсифи билан узвий боғланган. Қадим замонлардан бошлаб то ҳозирги давргача ландшафт архитектурасининг таянч асоси доим ўсимликшунослик боғдорчилик бўлган эди.

<sup>4</sup> Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010. Стр. 24

Биринчи боғлар тўғрисидаги маълумотлар узоқ ўтмишга минг йиллар илгарига бориб тақалади. Энг кўп безакли манзара берувчи гулловчи ўсимликларнинг пайдо бўлишни бу даврига (110 млн йил илгари) нисбат беришади. Қадимги қабрларни қазиб очиб куриш 100 минг - 60 минг йил илгари яшаган Ироқ Курдистонидаги неандерталлар вафот этганларнинг устини гул билан бирга қўмишганидан далолат беради ва Франциядаги ғорларнинг деворларида сақланиб қолган расмларда қадимги одамларнинг ўз севганларига совға қилган жонли гуллар дасталари аниқланган.

Муайян тарихий даврда шаклланиб, ушбу давр боғ-парк санъати обьектларига хос бўлган етакчи мъеморий-ландшафт ечимлар, тархий-режавий композициялар, агротехник тамойиллар ва услублар мажмуаси боғ-парк санъатида *стил* ёки *услубият* деб аталади.

Умумжаҳон боғ-паркчилик амалиётида асосан 2 хил стил:

**мунтазам** (регулярный) ва **эркин** (ландшафтный, пейзажный ёки манзаравий) услубиятлар тарихий шаклланиб амалиётда кенг қўлланилиб келинган. Ушбу иккала услубиятнинг аралашган ҳолатидан ҳам амалда фойдаланилган.

Бироқ, боғ-парк қурилишида миллий услубиятлар ҳам борки, уларга итальян, француз, инглиз, хитой, япон, мавритан ва эрон боғ-парк стилларини киритиш мумкин.

Боғларнинг ривожланиш тарихи маданиятнинг ривожланиши билан якин боғлиқdir. Дастребаки боғлар иссиқ мамлакатларда: Мисрда, Ассирияда, Вавилонда, Осиёда пайдо бўлиб, у ерда қиздириб турган қуёш нурларидан химояланиш талаб қилинади. Унга параллел холда боғдорчилик Шарқ мамлакатларида, Хиндистонда, Хитойда, Японияда ва бошқа мамлакатларда ҳам ривожланади. Соф фойда олиш эҳтиёжларини қондириш учун оддий полизчилик шаклида ривожланган боғдорчиликнинг илк босқичи вақт ўтиб декоратив боғдорчилик босқичига ўтди. Энг эрта маданиятларда (Шумеро-Акадион, эрамизгача 4 минг йил аввал) суғоришнинг етарлича мураккаб системалари ишлаб чиқилган бўлиб, у ер сахрода ям-яшил воҳаларни яратишига имкон берган етарлича мураккаб суғориш системалари ишлаб чиқилган эди. Ҳукмдорлар ва коҳинлар юлдузларни ўрганиб ва ходисаларнинг сабаблари устида ўйланиб, жуда кўп кашфиётлар қилишди, табиат гўзаллигини ривожланишига имкон беришган.

Кишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик Қадимги Мисрда жуда кучли ривожланди, унинг кўпчилигини мисрликлар Шумеро-Акадион маданиятидан ўзлаштирилган эди. Эрамиздан 3-2 минг йил илгари Миср дунёning етакчи маданият учоги эди. Эрамизгача 2-минингчи йилларда Лоҳарда, Дерель, Бахерда, Абу-Симбелда ва Карнакда йирик қасрлар бунёд этилган эди. Улар поғонали боғлар барпо этилиб, уларда хурмо, анжир, узум ва нилуфар етиштирилар эди.

Эрамиздан аввалги 2-минг йилликнинг охирида Форс маданияти пайдо бўлди. Форсия (Эрон) – чинор, бодом, шафтоли, олхўри, писта ва атиргуллар ватанидир. Ахмонийларнинг биринчи расм асосчиси Кир (бизнинг эрагача 6 асрнинг биринчи ярми) Форсиянинг машҳур боғи – Чор боғ бўлиб, у қуруқ иқлимли мамлакатларда жуда қадрли ҳисобланган сувни тежаб ишлатишнинг намунаси эди. Форсия эллинизм маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Эрамизгача бўлган 14 асрда Канофон томонидан етиштирилган симметрик ўтказилган

## Архитектура

даражтлар ўсиб турган Сицилиядаги грек қасри боги Форсиядаги «истироҳат боғлари» дан андоза олган.

Қадимги дунёning декоратив боғдорчилиги тарихи дунёning турли минтақаларининг сиёсий тарихи билан бевосита боғлик. Буюк империялар емирила бошлаганды декоратив боғдорчилик табиий равишда касалланар ва сунар эди. Эрта ўрта аср учун ҳос булган чексиз урушлар, босқинлар, феодал ажралганлик, йирик парклар ва боғларни яратишга имкон бермас эди. Одамлар ўзларини фақат зодогонларнинг ёки черковларнинг қасрлари деворлари ичида нисбатан хавфсиз сеза олар эдилар. Шунинг учун, Европа ўрта асрининг унча катта бўлмаган қалъя боғлари ва черковлардаги боғлар яратилди холос.

Улкан шарқ империяларининг пайдо бўлиши одатда, боғдорчиликнинг ривожланиши билан бирга кечди. Улкан давлат тузилмаларини яратган ҳукмдорларнинг кўпчилиги ғалабага эришганда ўз муваффақиятларини боғ яратиб нишонлаганлар. Жумладан, Чор Боғнинг тажрибаси XIV асрда Амир Темурнинг Форсияга (Эрон), қилган босқинчилик юришлари оқибатида Мовурунахрга ва унинг пойтахти Самарқандга ўтди, кейинчалик эса XVI асрда Буюк Мўғуллар Чор Боғ тажрибасини Ҳиндистонга кўчиришди, у ерда Бобурийлар даврида машҳур Тож Маҳал, Агра ва бошқа боғлар яратилди.

Араблар ҳам Чор Боғнинг ландшафтли режасини эронликлардан ўзлаштириб олишди ва ўз навбатида уни испанияликларга таниширишди, у ерда шу пайтгача Алгамбра ва Генералиф боғлари гуллаб яшнаб турибди. Ўша даврдан бери Испанияда хурмо палмаси, анор, жасмин ва бошқа декоратив ўсимликлар ўстирилади.

Сиёсий барқарорликнинг ҳукм суриш ва ўз чегараларининг нисбий хавфсизлигини таъминловчи марказлашган давлатларнинг шаклланиш (XIV- XV асрлар) шаҳарларнинг ўсишига ва шаҳар мудофаси деворларидан ташқарида йирик боғ объектларининг ташкил этилишига олиб келди. Масалан, италиялик аскарлар чет эл истилолари тугагандан сўнг Италияга гафақат бойлик-буюмлар, балки боғдорчилик усулларини ҳам олиб келишди. Италиялик зодогонларнинг ва бойиб кетган аскарларнинг денгиз қирғоклари яқинида қурилаётган виллаларда Мисрдаги зинапоясимон боғлар ва Эрон боғдорчилиги таъсиридаги усулларга ўхшаш боғлар барпо этилди. Бу даврда декоратив боғдорчилик ривожланишнинг кейинги босқичига боғ-парк санъатига қадам кўйиш бошланди (Ланте, Боболи ва бошқа виллалари). Боғ-парк санъати Уйғониш даврида (XIV- XVI асрлар) ўзининг энг тараққий этган босқичига кўтарилди. Бу даврнинг боғ-парк санъатининг ажойиб намуналари Д’Эсте, Альдобарандини ва бошқаларнинг виллалари бўлди. XV- XVI асрларнинг охирларига келиб Уйғониш даврининг боғ-парк санъати усулларига Европанинг деярли барча мамлакатлари, Россия хам таҳлил қила бошлади.

Ўзбекистонда боғдорчиликнинг гуллаб яшнаган даври Темурийларнинг бошқарув даври билан боғлик. Жумладан, Темур давлатининг буюк пойтахти Самарқанд шаҳри атрофида 15 та боғ ташкил этилган эди (Боғи наво, Боғи Дилкушо, Боғи Нав ва бошқ.), баҳтга қарши уларни авлодлар сақлаб қола олмади. Айни пайтда Темурийларнинг гўзал боғлари хақида шу худудларнинг номлари Боғи Шамол, Боғи Баланд ва бошқалар ҳалқ хотирасида қолиб, эслатади, улар ўрнида хозир замонавий шаҳар қад кутарган.

Ҳиндистон маданияти Буддизмни вужудга келтирди, унда ибодатхоналар ичида боғлар барпо қилиш бошланди. Янги дин билан бирга будда ибодатхоналари ичидаги боғлар Хитой ва Кореяда, кейинчалик Японияда пайдо бўлди.

XIV асрда португалийлар Европадаги бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини ўрната бошладилар. Бу буюк географик қашфиётлар даври бўлиб, бошқа нарсалар билан бирга Италия ва Голландияга Осиё, Африка, Америкадан жуда кўп миқдорда боғ ўсимликларини ҳам олиб келди. XVIII-XIX аср бошларида Англияда боғлар барпо этиш санъати энг юқори такомилига етди, бу ерда пейзажли боғ қурилиши ривожланиб, у дунёга муболагасиз энг гузал боғларни (Стую парки ва бошқалар) тақдим этди. Американинг энг самарали боғларининг режаси арборетумлар, Англия, Франция, Голландия, Испаниядан ўзлаштириб олинди.

Шу билан бирга, XVIII аср охири XIX аср бошларида Европа мамлакатларида ва АҚШда индустрисал ишлаб чиқаришнинг тез ва ҳар томонлама ривожланиши кўп сонли аҳолининг қишлоқдан шаҳарга кўчишга олиб келди. Бир неча ўн йиллар мобайнида катта ва кичик шаҳарлар ўз аҳолсини икки, уч ва ундан кўпроқ марта ошириди. XIX асрнинг охирига келиб, индустрисал ривожланган шаҳарлар атрофида бетартиб стилда ташкил топган тураг жойларнинг яхлит халқа зоналари пайдо булди. Саноат шаҳар атрофлари эски илгор шаҳар марказларини темир исканжалар орасига қисиб қўйгандек бўлиб, уларда трамвай ва автомобиль йўллари мос бўлмай қолди.

Автомобиллар чиқарган тутунлари ва фабрикаларнинг заарли чиқиндилари шаҳар марказларининг йирик, ўта зич жойлашган тураг жой кварталларидан усиз ҳам ёмон бўлган шароитларини яна ҳам ёмонлаштириди. Қуёш, кўкаламзор ва тоза ҳаводан маҳрум бўлган шаҳарлар оғир сурункали касалликларнинг кўпайтирувчи жойга айланди. Шаҳарларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш шаҳар қурилишнинг яна ҳам мукаммал шаклларини излашга олиб келди. Шаҳарларни соғломлаштиришнинг энг кучли воситаларидан бири сифатида уларга кукаламзорлаштириш системасини яратиш бўлди.

Жамоат кўкаламзорларининг биринчи тури бульварлар (хиёбонлар) бўлди. Ҳозирги вақтда кўкаламзорлаштириш системаси ўз ичига паркларни, боғларни, скверларни, бульварларни, санитор-химоя ўсимликларини, саноат корхоналарини кўкаламзорлаштиришни, маҳсус вазифани бажарувчи ўсимликларни, шунингдек, квартал ичини ва микрорайон буйича кўкаламзорлаштиришни олади.

XX асрнинг бошида шаҳарларнинг ривожланиш суръатлари кескин ошиб кетди. Шаҳарларнинг ўсиши кун тартибига аҳолининг дам олиши шароитларини яратиш учун парклар қуришни ташкил этишни факат шаҳар чегарсидагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам ташкил этишни кўндаланг масала қилиб қўйди. Бу шаҳарларни кўкаламзорлаштиришни бундан кейин ландшафт архитектурасига ўсиб утишини вужудга келтирди, бу эса ўз навбатида архитектуранинг экологик йуналиши хисобланади.

Ландшафт архитектуранинг ривожланиши декоратив боғдорчиликни ва боғ-парк санъатини бартараф этишни англаатмас эди. У уларни ўз ичига ландшафт архитектурасининг ўзаги бўлган ландшафт дизайн сифатида қамраб олди. Ландшафт дизайнининг парк қурилишига ва шаҳар ташқарисидаги

## Архитектура

майдонларни кўкаламзорлаштириш системасига ўтказилиши шаҳар қуришида янги йуналишнинг шаҳар мухити ландшафт дизайнининг пайдо бўлишига олиб келди.

Коммуникация воситаларининг ўсиб борувчи ривожланиши остида ўтган XIX аср турли китъаларда яшовчи кишиларга бир-бирлари билан осон алоқа боғламига имкон берди. Энди бирор мамлакатда пайдо бўладиган ҳамма яхши нарсалар тезда бошқа мамлакатларнинг ҳам бойлигига айланмоқда.

Ландшафт архитектура ва ландшафт дизайннинг усуллари ҳам байналмилал бўлиб қолди. Ўтсимон ўсимликлардан қурилган инглиз тўсифи (бордюр) ва яшил ўтлоқлар Ўзбекистонда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинган. Голланд лолалари жанубий мамлакатларда етиштирилмоқда, Химолой ўсимликлари Европанинг қўпгина мамлакатларида ва Шимолий Америкада кунини топди. Пейзажли Хитой ва Япон боғларидаги ўсимликлар Европада, Америкада, Ҳиндистонда ва Ўзбекистонда маҳаллий шароитга мослашди. Аммо ҳозирча, ландшафт архитектурасининг ривожи турли мамлакатларда ҳар хил кечмоқда. Ландшафт архитектурасининг муваффакиятли ривожланиши ёки етарли даражада ривожланмаслиги қўпгина шароитларга ва омилларга боғлик: табиий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, моддий-техник ва х.к.

Ландшафт архитектурада ташкил этишнинг ҳам табиий, ҳам сунъий шакллари иштирок этади. Ландшафтнинг табиий шаклларини ўрганишда (геологик тузилиш, иқлим, рельеф, сув хавзалари, ўсимликлар ва хайвонот дунёси) геология, география, ландшафтшунослик, биология, ботаника каби фанлар ўз ҳиссаларини қўшишди. Боғдорчилик ва ландшафт архитектуранинг ривожига фалсафий ва диний оқимлар, санъат, архитектура ва техниканинг ривожланиши улкан таъсир кўрсатди.

Ландшафт архитектурасининг етакчи мактаблари ландшафт соҳаси урбанизмнинг йирик масштабдаги ташкилий усулларини қамраб оловчи модели сифатида қабул қилишади. У ўзида дизайн билан бир қаторда маданий ва экологик таълимотни ҳам акс эттиради<sup>5</sup>.

Ландшафт архитектура инерт шакларининг элементларини ташкил этишда (муҳандислик иншоатлари, сунъий сув хавзалари, йуллар, йул қопламалари, хиёбонлар) техник, аниқ фанлар катта роль уйнади. Ландшафт мухитининг бадиий безатилиши (хайкаллар, кичик декоратив, ёритиш мусиқий, поэтик ва бошқа шакллар) ижодиёт ва адабиётнинг турли хиллари соҳасидаги ютуқлар, қурилиш ва бошқа технологияларнинг ривожланиши туфайли юз беради. Ландшафт архитектурани ривожлантиришда иқтисодиёт жамиятнинг моддий техник ютуқлари катта роль уйнайди. Шунинг учун ҳам ландшафт архитектуранинг ривожланиши фаолиятнинг бошқа соҳаларига қараганда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўпроқ боғлик. Жамиятнинг маданият даражаси ва моддий имкониятларнинг ошиши билан ландшафт архитектура борган сари қўпроқ оммавийлашиб бораверади.

<sup>5</sup> Waldheim C. "Landscape as urbanism a general theory". AVA Publishing USA. 2010. Стр. 23

### **Назорат саволлари:**

1. Шаҳар ландшафтини ташкил қилиш нималарга боғлиқ?
2. Ўзбекистон боғпарк санъатининг ўзига хос хусусиятлари?
3. Ҳозирги кунда шаҳарларни лойиҳалашда табиат билан уйғунлигини сақлаб қолиш масалалари?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.

### **5 маъруза. Ландшафтлар ва замонавий ландшафт архитектураси тўғрисида тушунчалар.**

#### **Режа:**

- 5.1. Ландшафтлар тўғрисида тушунчалар;
- 5.2. Ландшафт архитектура йўналишининг пайдо бўлиши;
- 5.3. Фредерик Олмстед ижоди;
- 5.4. Ландшафт архитекторлари мактабини ташкил этилиши;
- 5.5. Боғ-шахарлар ғояси ва худудий режалаштириш;
- 5.6. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ландшафт архитектураси тараккиёти, IFLA фаолияти.

**Таянч иборалар:** Бир жинсли ҳудудлар, табиий ва антропоген ландшафт, биоген ландшафт, Фредерик Олмстед, Нью-Йорк марказий парки, АҚШнинг миллий парклари, Париж ва Лондон зоопарклари, ландшафт архитекторлари мактаби, Э.Говардинг боғ-шахар ғояси, Канберра шаҳри лойиҳаси, ландшафт режалаштириши, ландшафт дизайнни.

Географик тушунчада *ландшафт* бу табиий чегаралар билан ўралган бир жинсли қуруқлик майдони бўлиб, бу чегараларда ландшафтнинг табиий элементлари ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқада бўлган ягоналикни ташкил этади. Бир жинсли ҳудудлар – тайга, тропик, ўрмонлар, тундрада –ландшафтларида майда табиий бирликлар – географик ландшафтнинг таркибий қисмлари мавжуд. Замонавий ландшафт архитектурасида табиий ва антропоген ландшафт тушунчаси ажратилади.

Табиий ландшафтларнинг асосий турлари ва кўринишлари

Бир жинсли ландшафтлар	Бир жинсли ландшафтлар турлари ва хиллари	Ландшафтларнинг аралаш турлари
Тоғ	Баланд тоғ Ўртacha тоғ Адир	Тоғ-сувли Тоғ-ўрмонли Тоғ-дашти
Ўрмон	Тропик ўрмонлар Тайга ўрмонлари Жунгли ва бошқалар	Ўрмон-дашт Ўрмон-тундра Ўрмон-тоғ
Сувли	Океан Денгиз Куйи Дарё	Тоғ-океан Тоғ-денгиз Ўрмон-куйи Ўрмон-дарё
Чўл	Қумли Чакалакзорлар ва бошқалар	Тоғ қазилмалари ерлари
Дашт	Тундра Чўл ва бошқалар	Ўрмон-дашт

Аmmo ер юзида инсон тегмаган табиий ландшафтлар жуда кам. Хўжалик фаолияти жараенида айрим табиий компонентларни биринчи навбатда ўсимликларни, тупроқни, сувни, хайвонат дунесини ўзгартиради. Бундай ўзгартиришлар ландшафтда қарор топган алоқалар ва табиий компонентлар ўзаро таъсиirlарни бузади.

Худудларни ўзлаштириш зарурлиги ва инсоннинг табиат ичига сингиб бориши ландшафтнинг ўзгаришига сабаб бўлади, йўллар тармовлари ва электр узатиш линиялари, заводлар, поселкалар вужудга келади. Яъни инсоннинг аралашуви билан ландшафт антропоген – инсон ўзгартирган ландшафтга айланади.

Антропоген ландшафтлар инсоннинг хўжалик фаолияти мавжуд бўлган давлардан бери бор. Дастлаб улар ер ландшафтларини шаклланишининг аралашуви билан ўзгариб кетди. Бу ходисалар жадаллашмоқда, ва ўзгариш жараени хамда биоген ландшафтлардаги ўзгаришлар объектив муқаррардир.

Антропоген ландшафтлар таснифи

Синфлар	Турлар	Ерлардан фойдаланиш турлари
Қишлоқ хўжалик ландшафтлари	Дала Ўтлок-яйлов Боғ Аралаш	Хайдалган ер, дала Пичон ўриш ва яйлов Боғлар ва узумзорлар Кўп ярусли тропик мамлакатлар
Ўрмон ландшафтлари	Шартли- табиий Иккилами (хосилавий) Маданий ўрмон	Сунъий экилган Ўрмон ерлари
Сув ландшафтлари	Сунъий денгизлар Сув омборлари	Сунъий яратилган сув хавзалари

Техноген ландшафтлари	Техник Бузилган ландшафтлар	Автомобил йўллари, гидростанциялар, қазилмалар, олинган ерлар
Аҳоли яшайдиган ландшафтлар	Урбанизациялашган	Шаҳарлар ва қишлоқлар, қишлоқ-хўжалик маҳсулотлари экилган ерлар ва бошқалар
Рекреацион ландшафтлар	Рекреацион	Курортлар, туристик марказлар ва базалар, пляжлар ва бошқ.

Табиий ва антропоген ландшафтлар



1 - Табиий ландшафтлар:

*а – Чимён Тоғлари, Ўзбекистон; б – Болтиқ денгизи, Олмония; в – Миср чўллари, г – Россия ўрмонлари, д – Тинч окени қирғози, Калифорния; е – Альп тоглари, Швейцария*

## Архитектура



### 2 - Антропоген ландшафтлари:

1 – құжалик ландшафти, Англия, 2 – шаҳар ландшафти, Мельбурн; 3 - құжалик ландшафти, Индонезия; 4 – шаҳар ландшафти, Венеция; 5 – қишлоқ ландшафти, Олмония; 6 – техноген ландшафти, Австрия

Шунингдек, ернинг биоген ландшафтарнинг микдорий қисқариши инсониятнинг бундан кейинги яшашини таъминлашдаги уларнинг ролинининг жицдий даражада қисқаришга олиб келади. Бирок табиий мухитларни сақлаб қолишида ва антропоген таъсирларни бошидан кечирудүчү ландшафтларни ўзгаришида фават сақланиб қолган табиат «намуналари»ни ўрганибина қолмай, балки ўзгартурудүчү ландшафтарда экологик мувозанат қонунларини ўзлаштириб олиш керак. Бу яшаш қобилиятига эга ва барқарор ландшафтларни – инсоннинг келажакда яшаш учун захира имкониятини шакллантиришнинг ягона йўли бўлиб хисобланади.

Бир қатор сабабларга кўра XIX аср ўрталари ижтимоий тараққиётнинг тарихдаги ўзига хос даври хисобланади.

Бу даврда Европадан хукмдор синф эришган инқилоб якунланиб, саноат ва савдо тараққиётининг янги даври кириб келди.

Европа капитализмининг ривожланиш жараёни Осиё ва Африкадаги колонияларнинг эгалланиши билан параллел ўсиб борди.

Фарб дунёсининг улкан давлати - АҚШ ўзининг мустақиллигини мустахкам сақлаб, иқтисодий имкониятларини кучайтира борди.

АҚШда ўсиб бораётган, айниқса саноат тараққиёти атроф-муҳит ва табиатга тезкор суръатлар билан салбий таъсир кўрсата бошлади.

Қирқиңгандар ўрмонлар, ер ости қазилма бойликларини аёвсиз эгаллаш, қирилиб бораётган бизонлар подаси, саноат чиқиндилиари билан заҳарланаётган дарёлар, кўллар - даврнинг даҳшатли воқеаларига айлана бориб, инсониятдан ақл-заковатни ишлатишни талаб қилди.

Экологик инқироз шароитида биз хақиқий табиатини кўриш ва шаҳар морфологияси консернлари орқали анъанавий эстетик соддалаштирилганликни

яратамиз. Лекин бу шенчаки осон эмас : мисол учун оддий объект сифатида уйни оламиз, кейин уни олди ва орқа вақтга ўтказамиз. Натижада тўрт ўлчовли мураккаб харитага шунингдек, материалаштириш ва жараёнга тегишли чизиқларнинг ҳақиқий мураккаблигини ифодалайди<sup>6</sup>.

Илк бор кун тартибига инсон билан уни ўраб турган атроф-мухит, ландшафт ва табиат муносабатларини бошқариш ва йўлга солиш масалалари қўйилди.

Шу тариқа XIX аср ландшафт архитектурасининг шаклланишида ўзига хос давр бошланди.

Ландшафт архитектурасининг тараққиётида асосий бурилиш энг аввало Фредерик Лоу Олмстед номи билан боғлиқdir. У АҚШда XIX аср ярмининг улкан сиймоси, ёзувчи, жамоат арбоби, тадбиркор, ландшафт архитектурасининг тўлиқ маънодаги замонавий асосчиси тарзида танилди.

Фредерик Лоу Олмстед тахминан 500 та истироҳат паркларини лойиҳалашда фаол катнашди. У ландшафт архитектурасининг бир қатор магистрал йуналишларининг пионери ҳамдир. Олмстед тамоман янги турдаги шаҳарлар истироҳат паркини яратди; Бостонда шаҳарни кўкаламзорлаштиришнинг биринчи йирик тизимини амалга оширди; Чикаго яқинида Риверсайд номли боғ-шаҳар бунёд этди; университет шаҳарчаларини, Чикагода «Колумбо» бутун дунё ҳалқаро кўргазмасини, АҚШ маркази - Вашингтонда Капитолий атрофи ландшафт лойиҳаларини ишлаб чиқди. Олмстед амалга оширган ишларнинг сон-саноғи йўқ. Бироқ, энг муҳими шуки, у илк бор миллий паркларни ташкил қилиш ғоясини илгари сурди ва уларнинг дастлабкиларини яратди. АҚШдаги Йосемит водийсидаги «Марипоза» ва «Ниагара» шаршараси шулар жумласидандир.

*Марказий парк лойиҳасидаги асосий ғоя - Нью-Йоркдек ривожланган шаҳар марказида қўл тегизилмаган ҳақиқий табиат ландшафтини яратиш эди. Паркнинг меъморий режаси аввалги мавжуд инглиз пейзажли боғлардан тубдан фарқ қиласади.*

Агар инглиз боғларнинг асосий ғояси табиий пейзажни сунъий шакллантириш бўлса, Олмстед ва Воларнинг ғояси қўйидагича эди:

شاҳарлардаги мавжуд табиий пейзажларни сақлаб қолиш,  
улардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш,  
уларнинг энг муҳим ва қулай томонларини намойиш этиш.

Бироқ, бу ғоя Олмстедга парк ҳудудини фойдали қисмларга бўлишга, зарур йўлларни ўтказишга, унда дам олишга мўлжалланган бинолар лойиҳалашга халақит бермади. Жумладан, у Марказий паркда «Молл» деб номланган маҳобатли ва тантанавор уч қаторли хиёбон ҳамда байрамлар ўтказиладиган «Терраса» лойиҳалади. Паркдаги мавжуд кўллар эса шаҳар сув қувури учун ичимлик суви резервуарлари бўлиб ҳизмат қилди.

*АҚШнинг миллий парклари.* «Ёввойи» табиатнинг энг жозибадор манзаралари ва ландшафтини мақсадли тарзда томоша қилиш, бу томошадан фойда қўриш ва сайёҳлар ҳаракатини йўлга солиш ғояси АҚШда биринчи табиат қўриқхоналарини - Калифорниянинг Йосемит водийсида ва «Марипоза» дараҳтзорларидағи миллий паркларни яратишга асос бўлди. Ана шундай қўриқхона қуришидаги миллий

<sup>6</sup> Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010. Стр. 75

## Архитектура

паркларни лойиҳалаш ва уларда дам олувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш АҚШда ландшафт архитекторларининг янги фаолият соҳасига айланди.

Натижада АҚШ миллий паркларининг замонавий тизими дунёда энг ривожланган хизмат турлари қаторига кирди. Ушбу тизим асосан уч хил -табиий, тарихий ва рекреация тоифаларидаги объектлардаи иборат. Ана шу учта тоифа миллий паркларнинг 23 хилини, масалан, миллий дарёлар, миллий жанг майдонлари ва миллий ёдгорликларни ўзига бирлаштиради.

Миллий паркларнинг кўламлари 40 гектардан то 100, ҳатто 1000 квадрат километргача етиб боради.

1916 йили АҚШда миллий парклар хизматининг маҳсус дашат муассасаси ташкил этилиб, унга 1980 йилда умумий майдони 321495 километр квадратга тенг бўлган 337 та миллий парклар кирган.


Бундан ташқари, АҚШда алоҳида штатларнинг ва ҳатто хусусий шахсларнинг ҳам юзлаб парклари мавжуд. Ушбу парклар орасидан жумладан, дунёга машҳур «Ниагара» шаршараси ҳам жой олган.

Таққослаш учун айтиш мумкинки, 1980 йилларнинг охирида собиқ, СССРда бор-йўғи 15 тагина, иттифоқдош республикаларнинг миллий парклари бўлган. АҚШда эса бу даврда 100 та миллий табиат парклари мавжуд эди.

АҚШнинг миллий парклари ўта намунавий ташкил этилганлиги билан ҳам ажralиб туради. Уларда нафақат автомобил ҳаракати, балки пиёдалар ҳаракати ҳам кескин тартибга солинган. Паркларнинг табиий бойликлари ва манзарасини томоша қилиш ва дам олиш учун маҳсус майдончалар жиҳозланган, кемпинглар ва меҳмонхоналар қурилган.

### АҚШнинг Вайоминг штатидаги «Шайтон минораси»

номли миллий ёдгорлик-парки.



Ҳатто биргина мўъжаз «Шайтон минораси» деб номланган миллий паркда ҳам барча хизмат турларини яққол кўриш мумкин. Паркка кириш олдидан томошабин у ҳақидаги барча маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Сайёҳ машинасини маҳсус жойда қолдириб, ўзи ораста ва соз йўлаклардан «Шайтон минораси»ни томоша қилгани боради. Паркда пикниклар учун маҳсус жойлар мавжуд.

Олмстеднинг фаолияти вақт ва замон руҳига тамоман мос тушган эди:

XIX асрнинг иккинчи ярми нафақат табиий ландшафтлар қадрини тушунишни бошлаб берди, балки боғ ва паркларнинг қурилишини асосан шаҳар ҳудудида сезиларли даражада кучайтирги.

Янги қурилган парклар ташки кўриниши, услубий хусусиятлари ва функциялари бўйича турли-туман эди.

Боғларни кескин «французча», «инглизча», «италянча»га бўлиш ҳам йуқола бошлади. Улар бир бирига қўшилиб кетди.

Хуллас, парк яратувчилар кўп йиллик жаҳон боғ-паркчилик санъати тараққиётининг барча тарихий тажрибаси ва воситаларидан кенг фойдаландилар.

XIX аср ўрталари кўқаламзор муҳитларнинг ихтисослашган янги турларининг вужудга келиши билан белгиланди:

XIX аср бошидаёк Парижда ва Лондонда (Рижент-парк ҳудудида) илмий асосда ташкил этилган биринчи зоопарклар қурилди.

Асрнинг иккинчи ярмида эса зоопарклар Оврупо, Осиё ва Американинг купгина йирик шаҳарларида ҳам пайдо бўлди.

Зоопарклар Москвада 1864 йилда, Петербурга 1865 йилда ташкил топди.

1851 йилда Лондондаги Гайд-паркда биринчи Умумжаҳон кўргазмаси очилди. У ўзининг архитектурада янги йўналишни бошлаб берган Хрустал (биллур) сарой билан донг таратди. Бу сарой мавжуд парк ҳудудига қурилсада, ташкил этилган кўргазма ландшафт архитекторларининг яна бир фаолияти - кўргазмалар ҳудудини лойиҳалаш соҳасининг вужудга келишига катта туртки бўлди.

Ландшафт архитектураси XIX аср охирига келиб архитекторлар фаолиятининг тамоман янги соҳаси шаклида ишончли даво билан майдонга чиқди.

Урушдан кейинги ўн йилликларда ландшафт архитектураси муаммоларига малакали қизиқиши кескин ошди. Бунинг исботи соҳа бўйича кўп сонли илмий-услубий тадқиқотлар ва нашр ишларининг олиб борилишидир. Турли тадқиқотчилар ва мутахассисларнинг ландшафт архитектураси муаммоларини ечишга қўшган ҳиссаларини аниқлаш жуда мураккаб иш.

Бироқ бу соҳада ишлари танилган мутахассисларни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Таниқли ландшафт архитектори, ИФЛАнинг асосчиларидан бири Б.Колвин ўзининг «Ер ва ландшафт» асарини илк бор 1948 йилда нашр этди. Калифорниядаги Беркли университетининг профессори Лунц «Ландшафт

## Архитектура

архитектурасига кириш» китобини 1975 йилдан бошлаб бир неча бор қайта чоп эттириди. Шўролар даврида биринчи бўлиб «Ландшафт архитектураси» дарслигини яратди.

Асримизнинг бошларидаёқ, ландшафт архитектураси малакали мутахассислар тайёрлашга зарурат туғилганлиги сезилди ва ниҳоят 1901 йилда АҚШнинг Гарвард университетида ландшафт архитекторларининг биринчи мактаби очилди. АҚШ тез орада янги ихтисосликни эгаллашда етакчи ўринга чиқиб олди. Ландшафт архитектураси ўз фаолиятини тинмай кенгайтира бориб тобора кенг майдонларни эгаллади ва муҳитни ташкил этишнинг турли-туман вазифаларини ечиш билан шуғулланди. 1907 йили ундан яна битта меъморий ихтисослик *ҳудудларни режалаштириши* ажралиб чиқди. XX аср бошида саноати ривожланган қатор давлатларда ландшафт архитектураси ривожлантириш зарурати кенг жамоатчилик ичидаги хам тан олинди. АҚШдан сўнг тезгина Англия, Франция, Япония, Австралияда бебаҳо табиат ландшафтларини сақлаб қолиш, табиат муҳитини режали равишда ривожлантириш, шаҳарларнинг тўхтовсиз усули устидан назорат ўрнатиш ҳаракати юзага келди.

1898 йилдаёқ Э.Говард «Келажакнинг боғ-шаҳри» номли машҳур китобини чоп этди. Унда шаҳар муҳитига табиатни кенг меъёрда киритиш ғояси илгари сурилди. Говарднинг фикрича, йирик шаҳарлар атрофи қишлоқ хўжалик экинларидан иборат яшил камар билан айлантирилиши керак. Ушбу камарга эса марказий шаҳар билан темир йул орқали боғланган боғ-шаҳарлар халқаси қўшилиши керак. Говарднинг назарияси ўз тарафдорларинн топди ва 1903 йилидаёқ Англияда «Биринчи боғ-шаҳарлар компанияси» вужудга келди. Ушбу компания Лондон атрофларида Лечворт боғ-шаҳрини қуришни бошлади. 1914 йилда шаҳар аҳолисининг сони 9 минга етди. Бироқ боғ-шаҳарлар ғояси амалиётда кенг жорий этилмади, уларни қуриш мураккаб ва кам нафли иш бўлиб чиқди. Боғ-шаҳар ғояси тўлароқ тарзда 1920 йили Австралия пойтахти Канберра шаҳрини режалаштиришда амалга оширилди. Канберра шаҳри саноатсиз, асосан маъмурий марказ тарзида лойиҳаланган бўлиб, ўзида (замонавий атама билан айтганда) «экологик тоза» шаҳар ғоясини акс эттирган эди. Боғ-шаҳарлар ғояси амалда жуда кам обьектларни лойиҳалаш ва тиклашдагина қўлланилди холос. Ушбу ғояни ҳаётга жорий қилиш йўлидаги уринишлар билан бир қаторда кенг ҳудудлар муҳитини ташкил этиш ва режалаш бўйича туб ўзгаришлар қилиш ғоялари ҳам пишиб етилди. 1920 йилларда ана шундай катта ҳудудлар билан боғлиқ ғояларни ривожлантириш ишлари амалий тузила бошлади ва бу йўналиш янги ихтисосликнинг юзага чиқишига сабаб бўлди.



45-чи расм. Говарднинг келажак “Шаҳар-боғ” режалари:  
а – шаҳар-боғ модели, б – шаҳар-боғ ва унинг атрофларини асосий ҳудудлари,  
в – шаҳар-боғ ва унинг йўлдошлари

Ландшафт архитектураси билан узвий боғланган ва ҳудудий режалаштириш (районная планировка) деб номланган бу янги ихтисосликни оёққа туришида инглиз архитектори П.Аберкромбинг роли каттадир. Унинг 1922 йилда ишлагай Ланкастер кўумир кони ҳавзасини режалаш лойиҳаси архитектуранинг бу янги соҳасидаги дастлабки ишлардан бири бўлди. Аберкромб бу ишда кон ҳавзаси ландшафтини тадқид қилишга муҳим эътиборни қаратди. У табиий ландшафтларни сақлаб қолиш, инсоннинг атроф муҳитга таъсир фаолиятини мантиқий чеклаш ҳаракатчиларидан бири булди. 1933 йилда у ўзининг асосий ғояларини «Шаҳарлар ва қишлоқ жойларини режалаш» номли маърузалари тўпламида чоп эттириди.

XX асрнинг биринчи ярми архитектура, шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси соҳасидаги янги ёндошувлар ва жадал изланишлар билан ажralиб турди. Бироқ, бу вақтдан то иккинчи жаҳон урушига қадар ҳам, ландшафт архитектураси жамоатчилик хурматига ҳали тўлиқ эриша олмаган. Шунга қарамасдан, у шаҳарсозлик назарияси ва амалиётининг узвий қисми тарзида тўхтовсиз ривожланишда бўлди.

XX асрнинг биринчи ярмини ландшафт архитектурасининг миқдорий ўсуви даври деб ҳам хисоблаш мумкин. Айнан ушбу даврда ландшафт архитектураси фаолияти соҳасига очиқ майдонлар муҳитининг янгидан-янги хиллари келиб қўшилди. Ландшафт архитекторлари шаҳар боғлари ва кўргазмалар ҳудуди билан изма-из тарзда спорт парклари, йўллар ва транспорт иншоотлари, биноларнинг томлари, бузилган ҳудудларни қайта тиклаш каби лойиҳаларни ишлай бошладилар.

Ландшафт архитектурасининг тараққиётидаги янги муҳим давр иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошланди. У энг аввало инсониятнинг табиий муҳитга кўрсатаётган таъсиригининг кескин ўсиб бориши билан боғлиқ эди. Биринчи ишора Япониянинг Хиросима ва Ногасаки шаҳарларида гучли ядро бомбаларининг портлашлари бўлди. Инсониятнинг тинимсиз ва жадал техник фаолияти табиатга беҳисоб зааралар келтира бошлади. Ер шаридага йирик тропик ўрмонларнинг йўқолиши ва қумлоқ чўл ҳудудларини эгаллаш тезкор суръатларда олиб борилди. Океан сувлари ифлосланмоқда, ер атмосферасининг таркиби ва тузилиши ўзгариб бормокда.

Ландшафт архитекторларининг ижтимоий фаоллиги ҳам ошиб борди. 1948 йили Англиянинг Кембриж шаҳрида тўққизта Европа давлатларининг вакиллари

## Архитектура

йиғилишиб, Ландшафт архитекторларининг халқаро федерацияси (ИФЛА)га асос солдилар. Ихтисослик тан олиниб, у ООН қошидаги халқаро меҳнат ташкилотининг ихтисосликлар рўйхатига расмий тарзда киритилди. Бугунги кунда жаҳондаги 50 дан ортиқ давлат вакиллари ИФЛА фаолиятида қатнашмоқдалар, уларнинг кўпида ландшафт архитекторлари тайёрланмоқда.

*Ҳозирги замон ландшафт архитектурасида 4 йўналиши мавжуд:*

“Ландшафт режалаштириши” - турли хилдаги ландшафт муҳитлари билан тегилмаган қўриқхоналар табиатдан инсон томонидан интенсив эксплуатация қилинаётган табиий туманларга узвий боғлиқдир. Ландшафт режалаштириш шуғулланадиган масалалар: бузилган ландшафтларни тиклаш, йўл ва йўл иншоотларини трассалаш ва лойиҳалаш, саноат ва қишлоқ ҳўжалик ҳудудларини, дам олиш, туризм ва бошқалар ландшафтини ташкил этиш.

*Шаҳарлар ва урбанизациялашган туманларнинг ландшафт маркибини шакллантириши.* Бу йўналиш анчагина хусусий муаммоларни келтириб чиқарди. Уларда шаҳарларнинг эфектив қўкаламзор тизимини яратиш марказий муаммодир. Говарднинг ишлари бу соҳада тадқиқиотлар ўтказишни бошлаб берди. Бу ерда Совет Иттифоқи етакчи (пионер) бўлиб чиқди. Москванинг 1920, 1935, 1975 йиллардаги бош тархларида таклифлар шаҳарни қўкаламзорлаштиришга тизимли ёндашиб, принципиал аҳамиятга эга бўлдилар. Ҳаттоқи дунёнинг йирик шаҳарларида – Чандигарх ва Бразилия шаҳарларида лойиҳаланган қўкаламзор тизимларини ҳаётда амалга оширишнинг иложи бўлмади. Совет Иттифоқида эса ўнлаб шаҳарларни қўкаламзорлаштириш тизимини амалга оширишга муваффик бўлинди. Уларнинг орасида Ленинград, Киев, Минск, Ереван шаҳарлари ўзлариниг меъморий жиҳатлари билан ажralиб турадилар.

Ландшафт архитектурасининг учинчи энг кенг йўналиши деб *турли вазифали алоҳида ҳудудларни лойиҳалашни* ҳисоблаш мумкин. Аваламбор бу боғ ва паркларни лойиҳалаш. Боғ ва парклар ўзининг функционал вазифасига қараб фарқланади (ботаника, зоология, болалар, спорт, тематик ва х.к.). Улар техник хусусиятларга кўра, масалан: тупроқда, томда, ёпиқ маконда, сунъий хомашёлардан қурилганига кўра ҳам ажратилади. Замонавий боғ ва паркларнинг барча хилларини санаб ўтиш қийин. Боғларни лойиҳалаш билан алоҳида иморатларнинг ландшафт атрофини ва меъморий комплексларининг ландшафт таркиби устида ишлаш ҳам узвий боғлиқдир. Фарб мамлакатларида ландшафт архитектори барча аҳамиятли обьектлар гуруҳининг асосий аъзоси ва муаллифи бўлиб ҳисобланади.

*Ландшафт дизайнни* – бу ландшафт архитектурасининг энг оммабоп замонавий йўналишларидан биридир. Кичик ҳудудлар, бурчаклар ва бошқа локал ҳудудлар уларни безатишга сунъий ландшафт дизайнерлик ёндошувини талаб қиласи.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда ландшафт архитектураси бутун дунёд ўзининг ривожида янги даражаларда турибди. У муҳим мустақил меъморий касб сифатида тан олинди ва унга инсон ҳаётининг очиқ муҳитини такомиллаштириш каби катта ишларни қилиш ва муаммоларни ечиш талаб этилади.

**Назорат саволлари:**

1. Табиий ва антропоген ландшафтнинг фарқи қандай ҳолатларда яққол намоён бўлади?
2. Ландшафт архитектурасига эътиборнинг қучайиши қандай муаммолар туртки берди?
3. Шаҳарлар экологик муаммоларини ҳал этишда қўлга киритилган қандай ютуқларни биласиз?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.

#### IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР

##### **1 амалий машғулот. Идеал шаҳарлар моделлари назарияси ва уларнинг амалга ошириш усулларини ўрганиб чиқиш.**

**Ишдан мақсад:** Идеал шаҳарлар моделлари назарияси ва уларнинг амалга ошириш усулларини ўрганиб чиқиш

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда идеал шаҳарлар яратиш ғоялари ва уларни ишлаб чиқиш тенденцияларини таҳлил қилиш, ҳозирги кунда лойиҳаланаётган келажак шаҳарларининг лойиҳавий технологик таҳлили, Европа ва шарқ мамлакатларида келажак шаҳарларини лойиҳалаш соҳасида эришилаётган ютуқлар, Эко шаҳарлар лойиҳалаш принциплари таҳлили, Хитой шаҳарсозларининг эко шаҳарлар лойиҳалаш шоҳасидаги ютуқлари, ушбу лойиҳалар ландшафтининг табиат билан уйғунлиги таҳлили, Европада лойиҳаланаётган эко шаҳарлар лойиҳаларини ўрганиб чиқиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

##### **Назорат саволлари:**

1. Э.Говард боғ-шаҳар ғоясининг мазмуни нимадан иборат?
2. Ле Корбюзьенинг шаҳарларни ривожлантириш бўйича таклиф қилган қандай лойиҳаларини биласиз?
3. Ле Корбюзье ўзининг шаҳарсозлик ғояларини қайси шаҳарни лойиҳалашда ва куришда амалга оширди?
4. Замонавий шаҳарсозлик ғояларини яратишда асосий эътибор нимага қаратилоқда?

##### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.

##### **2-амалий машғулот. Шаҳарнинг меъморий-бадиий композициясини таҳлил қилиш.**

**Ишдан мақсад:** Шаҳарнинг меъморий-бадиий композициясини таҳлил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда шаҳарнинг меъморий бадиий кўринишини маънодорлигини сақлаб қолиш, асосий омиллар, меъморий бадиий кўриниши хусуиятлари, шаҳарнинг меъморий бадиий маънодорлигини сақлаб қолишида муҳим бўлган элементлар, шаҳарнинг алоҳида элементларининг

меъморий бадиий ечимларини ҳал қилишда зарур бўлган кўникмаларни ҳосил қилиш.

Шаҳар майдонлари, сув ҳавзалари, меъморий ёдгорликлар, ритм, метр, ўхшашлик, нюанс, контраст, акцент, ассимметрик композиция, пропорция, ранг, меъморий шакл, силуэт, масштаблилик тушунчаларини тушуниб этиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Меъморий-маконий композицияга қандай омиллар таъсири кўрсатади?
2. Туарар-жой тумани ва кичик тумани қурилишининг бадиий хусусиятлари нима?
3. Метр, ритм тушунчалари нимани англатади?
4. Нюанс, контраст, симметрия, ассиметрия тушунчалари нимани англатади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

### **З-амалий машғулот. Шаҳарсозлик фаолиятида тарихий мероснинг муҳимлигини тадқиқ этиш.**

#### **Ишдан мақсад:**

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда шаҳарнинг тарихий шаклланган режавий тузилиши, унинг ҳозирги ривожланишига таъсири, тарихий ёдгорликларини аниқлаш ва сақлаб қолиш чора-тадбирларини амалга ошириш, тарихий ҳудуднинг қадимийлиги даражасини белгилаш ва маънавий-маданий фондига киритишни ташкил этиш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Шаҳарнинг режавий-тархий тузилишига тарихий сақланган тузилмаси таъсири қандай?
2. Тарихий сақланган обидаларни асрраб-авайлаш борасида чет мамлакатларда амалга оширилаётган қандай тадбирларни биласиз?
3. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ривожланишида тарихий мероснинг аҳамияти қандай?
4. Шаҳарлар ривожида тарихий шаклланишини сақлаб қолишни қандай ташкил этиш лозим?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

#### **4-амалий машғулот. Шаҳарсозлик экологияси.**

**Ишдан мақсад:** Шаҳарсозлик экологиясини ўрганиб чиқиши.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда шаҳар экологиясининг муҳим муаммолари, экологик масалар таҳлили, шаҳар ландшафтининг табиат билан уйғунлиги, шаҳарлар ривожланиши шароитида экологик муҳитни сақлаб қолиш, эко шаҳарлар лойиҳаларига берилаётган эътибор, шаҳар лойиҳалашда мукаммал экотизим яратиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

#### **Назорат саволлари:**

1. “Атроф-муҳитни кўриқлаш” бўлими нималарни ўз ичига олади?
2. Туманни режалаштириш тузилмаларида табиатни кўриқлаш бўйича нималар берилади?
3. Актив тадбирларга нималар киради?
4. Пассив тадбирларга нималар киради?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

#### **5-Амалий машғулот. Ландшафт архитектурасининг мақсади ва вазифаларини таҳлил қилиш.**

**Ишдан мақсад:** Ландшафт архитектурасининг мақсади ва вазифаларини таҳлил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда шаҳар экологиясининг муҳим муаммолари, экологик масалар таҳлили, шаҳар ландшафтининг табиат билан уйғунлиги, шаҳарлар ривожланиши шароитида экологик муҳитни сақлаб қолиш, эко шаҳарлар лойиҳаларига берилаётган эътибор, шаҳар лойиҳалашда мукаммал экотизим яратиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

### **Назорат саволлари:**

1. “Атроф-муҳитни қўриқлаш” бўлими нималарни ўз ичига олади?
2. Туманни режалаштириш тузилмаларида табиатни қўриқлаш бўйича нималар берилади?
3. Актив тадбирларга нималар киради?
4. Пассив тадбирларга нималар киради?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

### **6-Амалий машғулот. Ландшафт архитектурасининг асосий элементлари таҳлили.**

**Ишдан мақсад:** Ландшафт архитектурасининг асосий элементлари таҳлил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда иқлим ва микроиклим, тупроқ ва унинг турлари, табиий рельеф, сунъий рельеф ҳамда рельефга ишлов бериш, геопластика, тиргак деворлар ва зинапоялар, ўсимликларни танлашда амал қилинадиган принциплар, экологик принцип, фитоценотик принцип, систематик принципгармоник принциплар, дараҳтлар ва буталарни танлаш, гулларни танлаш, клумбалар, работкалар, миксбордерлар, манзарали композициялар танлаш, сув ва сув композицияларини танлаш бўйича қўникмаларини ҳосил қилиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Ландшафт архитектурасининг асосий табиий элементлари нималардан иборат?
2. Ландшафт архитектурасининг табиий элементларига қандай ишлов бериш мумкин?
3. Дараҳтларни жойлаштириш принципи қандай бўлади?
4. Қиялик юқори бўлган рельефларда ландшафтни ташкил этишда қандай элементлардан фойдаланиш мумкин?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

#### **7 -Амалий машғулот. Ландшафт урбанизмини мұхокама қилиш.**

**Ишдан мақсад:** Ландшафт урбанизмини ўрганиб чиқиб, мұхокама қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда ландшафт урбанизмининг асосий ташкил этувчилари – сув, шаҳар инфратузилмаси, экологик тизимлар, биоташкилланиш ҳақида, иккинчи даражали ташкил этувчилари – шаҳар ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, саноат мұхити, дам олишни ташкил этиш ҳақида кўникмаларини ҳосил қилиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Жамоат фазовий мұхитларини қайта ташкил этишга чет эл мисолларидан биласизми?
2. Шаҳар урбанизмининг асосий ташкил этувчилари нималардан иборат?
3. Шаҳар урбанизмининг иккинчи даражали ташкил этувчилари нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

#### **7 -Амалий машғулот. Шаҳар боғлари ва парклари ҳақида маълумотлар тақдимоти.**

**Ишдан мақсад:** Шаҳар боғлари ва парклари ҳақида маълумотлар тақдимотини кўриб чиқиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчиларда шаҳар парклари таснифи, уларнинг турлари, лойиҳалаш методологияси, туман, шаҳар парклари лойиҳвий тузилмаси, уларни тўғри функционал ҳудудларга ажратиш, функционал ҳудудларни тўғри жойлаштириш, парклар ҳудудларининг катталигини аниқлаш бўйича кўникмаларини ҳосил қилиш.

**Назорат саволлари:**

1. Шаҳар боғлари ва паркларининг таснифи қандай?
2. Шаҳар тизими тархида парклар роли қандай?
3. Дам олиш ва маданий паркларнинг функционал меъёrlаш қисмлари қандай?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Кейс №1: Шаҳарсозлик назарияларининг ривожланиши.

Ўқитувчи тингловчиларга биринчи навбатда “Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” фани ҳақидаги қисқача маълумот билан таништиради. “Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” фанининг нималардан ташкил топиши, унинг ҳозирги кундаги ҳолати ҳақида айтиб ўтади. Шаҳарсозликнинг ривожланиш босқичлари ҳақида маълумот беради.

Шаҳарлар ривожланиш босқичлари;

Дастлабки боғ-шаҳарлар назариялари;

Ҳозирги кунда лойиҳаланаётган келажак шаҳарлари.

1. Э.Говард боғ-шаҳар ғоясининг мазмунни нимадан иборат?

2. Shaharsozlik nima bilan shug‘ullanadi?

3. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги замон аҳоли жойлашуви ва урбанизация муаммолари нималардан иборат?

### Кейс №2: Ўзбекистон шаҳарсозлигининг ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари.

Маърузачи тингловчиларга ўтган дарс мобайнида шаҳарларнинг ривожланиши, идеал шаҳар яратиш ғояларининг юзага келиши ва ривожланиши тўғрисида сабоқ берган эди. Эндиғи масала Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг ривожланиш тарихи, Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва ҳозирги замон аҳоли жойлашиши хусусиятларини ўрганиб чиқишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, талабаларга дастлабки шаҳарлар ривожланиш лойиҳасини ўрганиш учун шаҳарлар тарихи, уларда урбанизация жараёни ва аҳоли жойлашуви хусусиятларини илмий таҳлил асосида ташкил этиш масаласи қўйидаги контекстда қўйилади:

Ўрта Осиё шаҳарсозлигига дастлабкиproto шаҳарларни ўрганиб чиқиши.

Амур Темур ва Темурийлар даврида меъморчилик ривожланишини ўрганиб чиқиши.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги замон аҳоли жойлашуви ва урбанизация хусусиятлари ўрганиб чиқиши ва амалиётда қўллаш.

Биринчи навбатда Ўрта Осиё шаҳарларининг тарихи ва уларнинг ривожланиш тамойилларини ўрганиб чиқиши зарур;

Иккинчи навбатда Темурийлар даври меъморчилигини ўрганиш ва шунга асосланиб шаҳар структурасини ташкил қилиш, шаҳарсозлик хусусиятларини кўрсатиш.

Республикамизда юз бераётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар шаҳарлар ривожланиш тармоғи ва оҳоли жойлашуви характеристига таъсирини ҳисобга олиб, шаҳар бош лойиҳаларини шакллантириши.

1. Дастлабки шаҳарлар – protoшаҳарлар Ўзбекистоннинг қайси қисмида топилган?

2. Амир Темур давридаги шаҳарлар тархи?

### 3. Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг ўзига хос томонлари?

#### **Кейс №3: Шаҳарсозликнинг замонавий тенденциялари ва муаммолари.**

Маърузачи тингловчиларга тарқатган вазифани тўлақонли ўрганиб чиқишини уқтиради. Топшириқдан ташқари табиий-иклим шароитларининг шаҳар ва унинг алоҳида қисмлари фазовий композицияларининг шаклланишидаги ўрни ва роли масаласида тўхталиб ўтади. Техник тараққиётнинг шаҳар архитектуравий қиёфаси ва фазовий композициясига таъсири масаласини аниқлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаришни топширади:

Шаҳар агломерацияси ҳақида тушунча.

Урбанизация ҳақида тушунча.

Мегаполис ҳақида тушунча.

Шаҳарнинг архитектуравий қиёфасини ўрганиб чиқиш.

Фазовий композициясида техник тараққиёт воситаларининг ўрнини мукаммал ўрганиб чиқиш.

Шамол гулинни аниқлаб олиш ва унга асосланиб ишлаб чиқариш худудини аниқлаб олиш ва ердан унумли фойдаланилган ҳолда функционал худудларга бўлиб чиқиши.

1. Тарихий шаҳарлар билан замонавий шаҳарларнинг фарқи нимада?

2. Шаҳарлар қандай қисмлардан ташкил топган?

3. Катта шаҳарлар ва агломерацияларнинг қандай камчиликлари бор?

#### **Кейс №4: Ландшафт архитектурасининг генезиси.**

Маърузачи тингловчиларга ландшафт архитектураси ҳақида асосий тушунчаларни тушунтириб беради. Бундан ташқари, ландшафт архитектурасининг шаҳарлар лойиҳасидаги аҳамияти айтиб ўтилади. Ҳозирги шаҳарларнинг ривожланиш шароитида ландшафтни табиат билан боғлаш муаммолари ўртага ташланади. Шаҳар ландшафтини тўғри ташкил этиш учун билиши лозим бўлган асосий тушунчаларни англаб этиши лозим:

Дастлабки боғлар ҳақида тушунча.

Амир темур даври боғлари.

Ҳозирги замон ландшафт архитектураси хусусиятлари.

Шаҳар ландшафтининг ташкил этилиш принципини ўрганиб чиқиш.

Экологик муаммоли худудларда ландшафт ташкил этиш муаммолари.

Иссиқ иқлимли шароитда шаҳар иқлимини яхшилашга қаратилган ландшафт архитектураси.

1. Шаҳар ландшафтини ташкил қилиш нималарга боғлиқ?

2. Ўзбекистон боғпарк санъатининг ўзига хос хусусиятлари?

## Архитектура

3. Ҳозирги кунда шаҳарларни лойиҳалашда табиат билан уйғунлигини сақлаб қолиш масалалари?

### **Кейс №5: Ландшафтлар ва замонавий ландшафт архитектураси тўғрисида тушунчалар.**

Маърузачи тингловчиларга табиий ва антропоген ландшафтнинг асосий тушунчаларини тушунтириб беради. Бундан ташқари, лойиҳалаш жараёнида табиий ландшафтга мослаштириш масалалари ўртага ташланади. Ландшафт архитектураси соҳасида қатор ютуқларга эришган амалиётчилар фаолиятидан мисоллар келтирилади. Шу билан бирга, ҳозирги замон ландшафт архитектурасининг ривожланиши йўналишлари ёритиб берилади. Маъруза давомида тингловчилар қуидаги йўналишларда маълумот олишлари лозим:

Ландшафтлар тўғрисида тушунчалар.

Фредерик Олмстед ижоди.

Ландшафт архитекторлари мактабини ташкил этилиши.

IFLA фаолияти

Шаҳарлар ривожланиши билан юзага келадиган ландшафт муаммоларининг ечими.

Экологик муаммоли ҳудудларда ландшафт ташкил этиш муаммолари.

Иссиқ иқлимли шароитда шаҳар иқлимини яхшилашга қаратилган ландшафт архитектураси.

1. Табиий ва антропоген ландшафтнинг фарқи қандай ҳолатларда яққол намоён бўлади?

2. Ландшафт архитектурасига эътиборнинг кучайиши қандай муаммолар туртки берди?

3. Шаҳарлар экологик муаммоларини ҳал этишда қўлга киритилган қандай ютуқларни биласиз?

### **Кейс №6: Идеал шаҳарлар моделлари назарияси ва уларнинг амалга ошириш усулларини ўрганиб чиқиши.**

Маърузачи олдинги дарсда тингловчиларга замонавий шаҳарсозликнинг ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумот берган. Тингловчилар олган билимлари асосида идеал шаҳарларни яратиш ғоялари билан танишиб чиқиши, замонавий шаҳарсозликда яратилаётган келажак шаҳарлари тўғрисида маълумот қараб чиқишилари лозим. Ҳозирги кунда дунё бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган шаҳарлар ғоялари билан танишиб

чиқишилари лозим. Тингловчилар қўйидаги йўналишда маълумот қараб кўришлари лозим:

Дастлабки боғ-شاҳарлар назарияларининг шаклланиши.

Ле Корбюзе ғояларини таҳлил қилиш.

Ҳозирги кунда келажак шаҳарлари яратиш ғояларининг илгари сурилиши.

Амалга ошаётган келажак шаҳарлари лойиҳаларини таҳлил қилиш.

Ҳозирги кунда лойиҳаланаётган экошаҳарлар лойиҳалари таҳлили.

Амалга оширилган экошаҳарлар лойиҳаларининг устунлик томонлари.

Фақат назарияда қолиб кетган келажак шаҳарларининг камчиликлари.

1. Келажак шаҳарлари яратиш ғоялари қачон дунёга кела бошлади?

2. Экошаҳарлар яратиш тенденцияси нима учун долзарблашиб кетди?

3. Ҳозирги кунда лойиҳаланаётган экошаҳарларнинг иқтисодий жиҳатлари?

### **Кейс №7: Шаҳарнинг меъморий-бадиий композициясини таҳлил қилиш.**

Маърузачи олдинги дарсда тингловчиларга Ўзбекистон шаҳарсозлигининг ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари тўғрисида маълумот берган. Тингловчилар олдинги дарсларда олган билимлари асосида меъморий-бадиий композицияси ёрқин бўлган шаҳарларни мисол келтириб, уларнинг кўримлилиги жиҳатларини таҳлил қилиб чиқиши, ҳозирги кунда шаҳарлар бадиий композициясига берилаётган эътибор қандай намоён бўлаётганини ўрганиб чиқишилари лозим. Бундан олдинги дарсларда кўриб чиқилган идеал шаҳарлар ғоялари ва экошаҳарлар лойиҳаларида шаҳарнинг меъморий-бадиий композициясига қай даражада эътибор қаратилганини таҳлил қилишлари лозим. Тингловчилар қўйидаги йўналишда маълумот қараб кўришлари лозим:

Шаҳарнинг меъморий-бадиий кўринишини ташкил этувчи асосий омиллар.

Меъморий ансамбл, динамика, шакл ва бошқа хусусиятлар.

Тураг-жой туманлари ва кичик туманлар қурилмаларининг меморий-бадиий ечимлари.

Тарихий меросга бой шаҳарлар меъморий композициясининг таҳлили.

Янги шаҳарлар меъморий-бадиий композицияси таҳлили.

Лойиҳаланаётган янги шаҳарларда миллий анъаналарнинг кўлланилиши.

1. Меъморий-маконий композицияга қандай омиллар таъсир қўрсатади?

2. Тураг-жой тумани ва кичик тумани қурилишининг бадиий хусусиятлари нима?

3. Тураг-жой қурилмаларининг қандай турлари бор?

### **Кейс №8: Шаҳарсозлик фаолиятида тарихий мероснинг муҳимлигини тадқиқ этиш**

Тингловчилар олдинги дарсларда ўрганиб чиқсан мавзулари асосида шаҳарсозлик фаолиятида дунё бўйича ва Ўзбекистон шаҳарларида тарихий меросни асрар-авайлаш масалаларига қаратилаётган эътиборни ўрганиб

## Архитектура

чиқишилари лозим. Тингловчилар Европа давлатларида тарихий меросни асраб-авайлаш тамойилларини, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида тарихий меросни асраб-авайлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот йиғишлари лозим. Тингловчилар қўйидаги йўналишда маълумот қараб кўришлари лозим:

Тарихий ва маданий ёдгорликлар турлари.

Тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш чора-тадбирлари босқичлари.

Турар-жой туманлари ва кичик туманлар қурилмаларининг меморий-бадиий ечимлари.

Тарихий меросга бой шаҳарлар меъморий композициясининг таҳлили.

Янги шаҳарлар меъморий-бадиий композицияси таҳлили.

Лойихаланаётган янги шаҳарларда миллий анъаналарнинг қўлланилиши.

1. Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлари ҳақида нималар биласиз?

2. Ўзбекистонда тарихий шаҳарларни асраб-авайлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

3. Европанинг тарихий шаҳарларида тарихий меросни асраб-авайлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

## Кейс №9: Шаҳарсозлик экологияси.

Маърузачи тингловчиларга ўтган дарс мобайнида атроф-муҳит муҳофазасининг умумий масалалари ва уни муҳофаза қилиш, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш борасида бир қанча вазифалар олдинга қўйилган эди. Шаҳарсозликнинг эстетик масалаларини унинг ўзининг моҳиятидан келиб чиқсан холда, мантиқий асосда режалаштириш ва ривожланишини ижтимоий фаолият ва иқтисодий кўрсаткичлар билан узвий боғлаган холда кўриб чиқиши зарур. Кўркам шаҳарларни барпо этиш – бу энг аввало жамият фаолиятининг ва шахснинг муносиб ривожланиши ҳамда инсоннинг эстетик эҳтиёжларини қондиришдан иборатdir. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бадиий-эстетик тушунча – бу шаҳар қиёфаси ва унинг турли-туман томонлардан кўриниши фақатгина бадиий фаолият билан боғлиқ эмас. Шаҳарлар эстетикаси шаҳарсозликнинг турли-туман масалалари билан қўшилиб кетади. Шаҳарнинг ривожлантириш истиқболларини аниқлаш тизимлари учун қўйиладиган талаблар қўйидагича:

Шаҳарларнинг режавий тизими хусусиятларини ўрганиб чиқиши.

Уларни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш.

Шаҳарларни ривожлантириш истиқболларини аниқлашда уларнинг композицион ечимларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Янги шаҳарларнинг режавий тизими ва уларнинг архитектуравий ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш.

Шаҳарларнинг бадиий-эстетик жиҳатдан ривожланиш истиқболлари ва уларнинг ривожланишида табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар билан узвий боғланганлигини аниқлаш.

Шаҳарнинг қиёфасида унинг босқичма босқич кўп қиррали ривожланиш истиқболлари.

1. Шаҳарларнинг таркибий қисмлари деганда нималарни тушунасиз?

2. Шаҳарларнинг истиқболдаги ривожланиш омилларини шарҳлаб беринг?

3. Бўлажак шаҳарларнинг композицион-эстетик тузилиши нималарга боғлиқ?

### **Кейс №10: Ландшафт архитектурасининг мақсади ва вазифаларини таҳлил қилиш.**

Тингловчиларга бунга қадар шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси фани бўйича олган билим ва кўнимкалари асосида ва берилган адабиётлар ва тақдимотлардан фойдаланиб ландшафт архитектурасининг мақсади ва вазифаларини таҳлил қилиб чиқишлири лозим. Ландшафт архитектурасининг асосий мақсади атроф мухитнинг экологик, эстетик ва функционал сифатларини уйғулаштириш ҳисобланади. Ландшафт архитектурасининг асосий вазифалари қўйидагича:

Муҳофаза қилиш.

Ўзгартириш ёки қайта яратиш (қайта қуриш).

Янги ландшафтларни яратиш.

Муҳофаза қилинувчи (кўриқланувчи) ландшафтларни таҳлил қилиш.

Ўзгартирилган (шакли алмаштирилган) ландшафтлар аниқлаш.

Ландшафтларни қайта тикилаш.

1. Шаҳарларнинг таркибий қисмлари деганда нималарни тушунасиз?

2. Шаҳарларнинг истиқболдаги ривожланиш омилларини шарҳлаб беринг?

3. Бўлажак шаҳарларнинг композицион-эстетик тузилиши нималарга боғлиқ?

### **Кейс №11: Ландшафт архитектурасининг асосий элементлари таҳлили**

Шаҳарсозликда табиий ва сунъий ландшафтларнинг қўлланиши. Ахоли жойларини тизимли гуруҳлар чегарасини қайта қурилган худудларда табий-ландшафтга муносабати, марказ шаҳарни йириклар бирлаштиради, бу эса унинг архитектура кўринишини бир томонини характерлайди. Умум режалаштирилган характеристикаси ҳам кам бўлмаган маъно беради, функционал хусусият ва шартлардан келиб чиқиб, табиатнинг шартларига боғлиқ бўлмайди. Бундай ҳолатда функционал худудларда ахолини зич ёки катта майдонда бўлиб жойлаштириш даражаси аниқланади, улар уйғун ёки контраст ҳолда бўлади, бу эса ўз навбатида қурилишни характерини намоён этади. Ориентир баланд ёки узунасига жойлашган биноларда тақсимланади.

Табиий ландшафтларнинг турлари ҳақида тушунча.

Сунъий ландшафтларнинг турлари ва уларга таъсир этувчи омиллар аниқлаш.

Табиий ва сунъий ландшафтларнинг қўлланиш тамойиллари ажратиш.

Шаҳарсозликда сунъий ланшафтнинг қўлланилишини ўрганиб чиқиши.

Ланшафт архитектураси усусларини мукаммал ўрганиб чиқиши.

Сунъий ланшафтнинг афзалликларини изоҳлаб мукаммал ўрганиб чиқиши.

1. Шаҳарлар ланшафтининг вужудга келиши нималарга боғлиқ?

2. Шаҳар қурилиши билан ланшафт бош планининг нима фарқи бор?

3. Шаҳарлар қандай ланшафт қисмларидан ташкил топган?

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил иш жараёнида тингловчилар модулга доир адабиётлар, услубий кўлланмалар билан танишадилар. Ўқитувчи томонидан берилган мавзу бўйича топшириқни мустақил бажарадилар. Уларни мустақил иш сифатида расмийлаштириб тармоқ марказига топширадилар. Бундан ташқари, маъруза машғулотлари материаллари ҳамда қўшимча адабиётлар бўйича тайёрланиб рейтинг балларини тўплайдилар.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Ўзбекистоннинг табиий-иклим хусусиятлари.
2. Планетамиз ахолисининг ўсиши. Демографик «Портлаш».
3. Ахолининг шаҳарларга интилиши.
4. Дам олиш масканларини ва йирик шаҳарлар атрофидаги ҳудудларни режалаштириш.
5. Италян назариётчилари. Юлдуз шаклидалиги Филарет шахри.
6. Ўзбекистондаги турар-жой биноларининг хусусиятлари.
7. Турар-жой ҳудудидаги жамоат бинолари.
8. Шаҳарларни таъмирлаш усуллари.
9. Парижнинг қайта ишлаш лойиҳаси.
10. Янги фазовий концепциялар Япон назариётчилари.
11. Кичик туманлар ғояси ва шаҳарларни сочилма шаклда қуриш.
12. Дезурбанистик назариялар.
13. Ижтимоий-демографик тадқиқотлар.
14. Шаҳарнинг архитектуравий композицияси.
15. Шаҳарсозликда ландшафт-экологик ёндошув.
16. Шаҳарсозлик объектларининг шаклланишида муҳандислик инфратузилманинг роли.
17. Шаҳарсозлик лойиҳалашда бадиий ижод.
18. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш марказлари.
19. Ҳудудларнинг табиий ресурсларини баҳолаш.
20. Саноат ҳудудларини ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш.
21. Интенсив хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудларга ажратиш.
22. Шаҳар миқёсида типологик таҳлил.
23. Шаҳар миқёсида туманлаштириш вазифаси.
24. Шаҳар муҳитлари ривожланиши ва ташкил этилишининг вазифалари.
25. Ландшафт ва шаҳар. Шаҳарни қўкаламзорлаштириш.
26. Тошкент шаҳрининг парклари.
27. Автотранспорт йуллари, пиёда йуллари, сайдроҳлар ландшафт архитектураси.
28. Турар-жой туманлари, микрорайонлар ҳудудларида ландшафт тархни ташкил этиш.
29. Нью-Йорқдаги Марказий парк.
30. Келажак экоشاҳарлари лойиҳаси.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Агломерация	Лотинча agglomerate - қўшмоқ, қўшилиб кетмоқ маъносини билдиради. Шаҳарларнинг кенгайиб, бир бирига қўшилиб кетиши.	Adding means is added. The urban expansion, one of a merger.
Арк	Бухоронинг қадимги қалъаси. Амирлар саройи бўлиб хизмат қилган.	The ancient fortress. Served as a palace of the Emir.
Антропоген ландшафт	Маълум даражада инсон томонидан ўзгартирилган ландшафт; табиий ландшафтга антропоген компонентлар - иншоотлар, маданий ўсимликлар, ўзгарган тупроқ ва бошқалар қўшилган.	Human-altered landscape; natural landscape of anthropogenic component structures, cultural plants, changing the soil and others.
Аҳоли яшайдиган қисм	Туар-жой туманлари ва кичик туманлари ҳамда маданий-маишӣ хизмат кўрсатиш муассасалари билан банд бўлган худуд.	Residential areas and small districts, cultural and public service institutions in a busy area.
Аҳоли яшаш жойларининг регионал тизими (АРТ)	аҳоли яшаш жойлари бир-бирларидан узоқ жойлашган, улар ўртасидаги коммуникациялар ривожланмаган, функционал алоқалар кучсиз ва турғун эмас.	Settlements are remote from one another, the communication between the development of functional relationships are weak and are not fixed.
Аҳоли яшаш жойларининг гурӯхли тизими (АГТ)	Аҳоли яшаш жойлари гурӯҳ ташкил этади. Бир-бирлари билан ривожланган коммуникация тури ва турғун функционал алоқалар билан боғланган.	A group of residential areas. An advanced type of communication with each other with a functional and stable relations.
Берун	Шаҳарнинг ташқи мудофа девори ичидаги қисми. Ташқи шаҳар.	Part of the outer wall of defense of the city. Outside the city.
Бош режа	Объект режасининг асосий чизмаси бўлиб, лойиҳачи фикрларини ифодалайди ва ишчи лойиҳа учун асос ҳисобланади.	Object basic plans, which represents the views of the design and the working basis for the project.
Генезис	Келиб чиқиш, бунёдга келиш, пайдо бўлиш.	Origin, appears to be.
Географик ландшафт	Тупроги, иклими ва шу каби хусусиятлари бир хил бўлган географик худуд, масалан: тоғли ландшафт, агроландшафт	Soil, climate, and similar properties in the same geographical area, for

## Архитектура

		example: a mountainous landscape
Гузар	Ўрта Осиё шаҳарларида даҳа, маҳалладан кичик жамоат бирлиги, жамоат маркази вазифасини ҳам бажаради.	Massif in the cities of Central Asia, particularly small social unit, and also functions as a community center.
Даха	Шаҳарнинг таркибий қисми, шаҳар композициясига бўйсунади ва унинг ҳудудида умумشاҳар аҳамиятидаги жамоат марказлари жойлашади.	Part of the city, the city is subject to the compositions and the corresponding importance in the community center.
Дизайн	Ландшафт архитектурасида дизайн сўзи «меъморий мухит дизайнни» маъносида англашилиб, у ушбу мухитда бадиийлик асосида ландшафт элементларини қамраб олувчи ижодий соҳа.	The word landscape architecture design architectural design of the environment he understood the meaning of these creative industries, including elements of the environment on the basis of artistic landscape.
Дорун	Шаҳарнинг ички мудофа девори ичидаги қисми. Ички шаҳар.	Part of the city in the interior wall of defense. The inner city.
Изотермлар	Хариталарда ёзги ўртача ҳарорати бир хил бўлган ҳудудларни бирлаштирувчи чизиқлар	Maps for the area where the average summer temperature is the same assembly lines
Кичик архитектуравий шакллар	Боғ-парк композициясининг сунъий элементлари: беседкалар, ротондалар, пергалалар ва х.к.	Artificial elements fleet composition. gazebo, rotunda, pergola and other
Композицион каркас	Асосий магистрал кўчалар, умумшаҳар ва туман марказлари ҳамда бошқа архитектуравий мажмуалар, майдонлар тизимлари, кўкаламзор ҳудудлар. Улар шаҳар композицион тузилмасининг асосий ташкил этувчилариdir.	The main street, and a corresponding regional centers, as well as other architectural complexes, land systems, green areas. Their main structural component of the composition of the city.
Кўкаламзорлаш-тириш	Ландшафтни қайта тиклаш, қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ҳимоя ўрмон чизиқларини яратиш, кўча ва магистраллар бўйлаб, турар-жой ва кичик туман чегараларида, боғ ва паркларда экинлар экиш, мухандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси	To restore the landscape in rural areas, industrial facilities around the protective forest lines along streets and highways, housing and the lower boundary of the district, the planting of crops, gardens and parks, and the sum of the engineering and technical activities
Кўкаламзорлаш-тириш меъёри	Шаҳарнинг битта ахолисига тўғри келадиган	A landscaped area that represents the

	кўкаlamзорлаштирилган майдонни ифодаловчи кўрсаткич (м.кв. да)	corresponding figure for the population of the city (sqm)
Ландшафт	Нем. Landshaft, маҳаллий худуд кўриниши. Ўзининг келиб чиқиши, ривожланиши бўйича бир турга эга бўлган табиий худуд кўриниши.	The appearance of the local area. Its origin, the development of a type of appearance of a natural area.
Ландшафт архитектураси	Атроф-мухитни табиий ва сунъий меъморлик қурилмалари ва элементлари ёрдамида бадиий шакллантириш санъати; меъморий фаолиятнинг алоҳида тури; ландшафт яратиш амалиётининг назарий асоси.	Natural environment and the formation of artificial devices using the elements of art and architecture; A special type of architecture; the practice of the landscape to create a theoretical basis.
Ландшат дизайни	Турли хил ландшафт объектларини яратиш учун тузилган лойиха; ландшафт объектларининг сунъий элементларини бадиий эстетик ва экологик қонуниятлар асосида муайян функцияларга мослаб яратишга қаратилган ижодий фаолият тури.	Project to create objects of a different landscape; landscape elements of artificial objects of artistic creation of adjusting certain functions on the basis of aesthetics and ekolo-gik laws of creative activity.
Майдон	Жамоат мақсадларида фойдаланиладиган кенглик	The wide range of public purposes
Макроиклим	Маҳаллий, регион, мамлакат, материк иқлими; дендрологик худудларга ажратишида ҳисобга олинади.	The local region, the country, the climate of the mainland; dendrology regions are taken into account.
Макрорельеф	Йирик шакл билан характерланадиган тоғ массивлари, тизмалари, плато, тепаликлар, каньонлар, чукурликлар худудининг рельефи.	Characterized by the form of the largest mining areas, ridges, plateaus, hills, canyons, relief of the depth of the territory.
Маятники миграция	Аҳолининг уйидан иш жойига, маданий-маиший хизмат муассасаларига, дам олиш ва бошқа эҳтиёжларни кондириш учун бориб келиши.	People's house, the place of business, cultural and social service agencies, and other needs to go.
Маҳалла	Кичик шаҳарсозлик бўлинмалари.	A small town departments.
Мегаполис	Агломерацияларнинг ўсиб, бирбири билан қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган, катта урбанизациялашган худудларни камраб олган бирикма.	Agglomerations growth, a merger in which the compound of covering large areas of urbanization.
Мезорельеф	Макро ва микрорельеф ўртасидаги ўрта рельеф. Унга дарё террасаси, чукурлик, катта	Between the macro and mikrorelef middle relief. Terrassa deep ravine of the

## Архитектура

	бўлмаган дара, катта бўлмаган тепалик рельефи киради.	river, the great relief of the hill.
Миграция	Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши.	People move from place to place.
Микроиклим	Бир жойда чегараланган доирада юз берувчи иқлимий ҳодиса (шахар, шаҳарнинг бир қисми); катта бўлмаган ҳудуд ёки ҳудуднинг бир қисми иқлимий шароитлари мажмуаси	A limited range of climatic events (city, part of the city); a large area or a part of a complex of climatic conditions of the area
Микрорельеф	Парк, боғ ландшафтида мезорельеф деталлари хисобланиб, катта бўлмаган 1-1.5 м майдонни эгалловчи рельефнинг майда элементлариридир.	Park, garden landscape mezorelef details of the size of a small area of 1-1.5 m relief elements.
Ориентация	Лойиҳалашнинг алоҳида элементларини дунё томонларига нисбатан жойлаштириши: шимол-жануб (ШЖ), шарқ-ғарб (ШҒ) ва ҳ.к	Special design elements of the world: the north-south (NS) and east-west (EW), etc
Работ	Шаҳарни ўраб турувчи қалъа	Land surrounding the castle
Рекреацион ҳудуд	Дам олиш ва соғлиқни тиклаш учун мўлжалланган шаҳарда, шаҳар атрофида маҳсус ажратилган ҳудуд	And is designed to restore the health of the city, a special zone around the city
Санитар-ҳимоя қисми	Саноат корхонаси, омборлар, коммунал ва транспорт иншоотларини аҳоли яшайдиган қисмдан ажратиб турувчи кўкаламзор ҳудуд.	Industrial facilities, warehouses, utilities and transport facilities in populated parts separating green zone.
Саноат ҳудуди	Саноат корхоналари, уларнинг транспорт ва омбор хўжаликлари, ёрдамчи иншоотлар ва муассасалар билан банд бўлган ҳудуд	Industry, transport and warehouse enterprises, support structures and institutions engaged in the region
Табиий ландшафт	асосий ландшафт компонентлари – ер юзи, ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзаро үйғун ва ўзаро боғлиқ бўлган бирликни ташкил этган ҳудудий мажмуа, фазовий муҳит.	The main components of the landscape - earth, air, water, flora and fauna of mutual harmony and unity of the regional complex space environment.
Туманни режалаштириш	Иқтисодий ёки маъмурий туманни комплекс ҳудудий-хўжалик тузилишини лойиҳалаш. Унинг ҳалқ хўжалиги тармоқларини, аҳоли меҳнати ва дам олиш учун кулай шарт-шароитлар яратилган тархий таркибни шакллантириш.	Economic or administrative districts and complex territorial and economic structure of the project. Its economic sectors, labor and the rest of the population created favorable conditions for the formation of historical content.

Кичик туман	Шаҳар аҳоли яшайдиган қисми тархий таркибининг бирламчи элементи. Унда аҳоли уй-жой ва кундалик хизмат кўрсатиш муассасаларига пиёда етиш даражаси таъминланади.	City residential part of the historical structure of the primary element. The population of housing and daily service institutions to provide foot.
Турап-жой тумани	бир нечта кичик тумандан иборат аҳоли яшайдиган қисмининг асосий элементи.	A key part of a population consisting of several small districts.
Туманни режалаштириш	Иқтисодий ёки маъмурий тумани комплекс шаҳарсозлик-хўжалик тузилишини лойихалаш билан шуғулланувчи шаҳарсозликнинг тармоғи.	Economic or administrative districts and integrated urban and economic structure of the project dealing with the urban network.
Урбанизация	Шаҳар хаёт тарзининг барча аҳоли жойларига ёйилиши билан боғлиқ бўлган кўп киррали, улкан ижтимоий-иқтисодий жараён. Жамият ривожланишида шаҳар аҳамиятининг ортиб бориши.	City life in all public places associated with the spread of multi-faceted, massive socio-economic process. The increasing importance of social development of the city.
Урбанизациянинг белгилари	Шаҳарларда индустряянинг ўсиши, уларнинг маданий ва сиёсий функцияларининг ривожланиши. Қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оқиб келиши.	The growth of cities, industry, and the development of their cultural and political functions. The influx of rural population to the cities.
Сохта урбанизация	Шаҳар орбитасига қишлоқ мигрантларининг секин-аста тортилиши. Шаҳар атрофларида шаклланган кенг «қашшоқлик майдонларида» олдинги турмуш тарзининг узоқ сақланиши.	City orbit of rural migrants is slowly brought to justice. Poverty around the city squares, stored in a previous life.
Тисланувчи урбанизация	Шаҳар аҳолиси салмоғининг бироз камайиши. Шаҳар аҳолисининг шаҳар атрофи худудларга интилишида кузатилади.	The urban population share decline slightly. The urban population is essentially suburban areas.
Шаҳар бош тархи	Шаҳарнинг келажак меъморий-композицион, функционал-маконий, транспорт-инженерлик ривожланишини белгилаб берувчи лойиҳавий ҳужжат	The composition of the future architecture of the city, a functional space, determines the development of transport and engineering project document
Шаҳар тизими	Ягона шаҳар яъни шаҳар ёки шаҳарлар гурухи сифатида функцияллашган худудий-ҳажмий тизим	Single city or group of cities as funktsiyallashgan regional capacity

## Архитектура

Шаҳарни ободонлаштириш	Шаҳарда соғлом ва қулай қаёт шароити яратишга қаратилган тадбирлар мажмуси.	A package of measures aimed at creating a healthy and comfortable conditions of reverting.
Шаҳарнинг режавий тузилмаси	Унинг барча структуравий элементларини бирлаштирган холда режавий-худудларга ажратилиши.	It combines all the structural elements of the planning and allocation of areas.
Шаҳарнинг функционал ҳудудлари	Саноат, туарр-жой, коммунал, транспорт ва бошқа функционал ҳудудларнинг жойлашиши ва ўзаро алоқаси	Industrial, housing, utilities, transportation and other functional interaction of the territory and
Шаҳарсозлик	Ижтимоий-иктисодий, санитария-гигиеник, техник-қурилиш, транспорт ва архитектура-бадиий масалаларни биргалиқда ҳал қилувчи шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қуриш назарияси ва амалиёти	Socio-economic, sanitary-hygienic, technical, construction, transportation, architecture and art issues Together, a key city and the theory and practice of construction and planning of settlements.
Шаҳарсозлик обьекти	Ҳудудий мавқейидаги шаҳарсозликни лойиҳалаштиришнинг ҳар қандай ҳудудий-режавий обьекти.	The regional position of the urban design of any object of regional planning.
Шаҳарсозлик талаблари	Объектлар қурилиши ва лойиҳаланишининг асосий меъёрлари ва қоидаларидир, шу билан бирга, ландшафт архитектураси ҳам қонунлар ва тавсиялар мажмусини акс этади.	Construction and loyihalanishining the basic principles and rules, however, the landscape architecture is also reflected in the laws and recommendations.
Қизил чизик	Кўча, парк, майдон, магистрал билан қурилмалар ўрасидаги ажратиб турувчи, чегараловчи чизик.	The street, the park, the area between the main devices that limit the line that divides.
Қурилиш чизиги	Қурилаётган ҳудуднинг чегарасини белгилайди	Define the boundaries of the construction site.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Махсус адабиётлар:

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Waldheim C. “A reference manifesto” AVA Publishing USA. 2011.
3. Исамухамдова Д.У., Садыкова М.А., Муминова К.Р. «Шаҳарсозлик лойиҳалаш». Ўқув қўлланма, ТАСИ. Тошкент 2015 й.
4. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.
5. Исамухамдова Д.У. “Тураг-жой тумани”. “Фан ва турмуш” нашр. Тошкент 2015 й.
6. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 2-қисм., “Фан ва турмуш” нашр. Тошкент, 2012 й
7. С.Селимова. “Формирование понятия Ландшафтный урбанизм в градостроительстве”. Национальная академия природоохранного и курортного строительства. Донбасс. 2014 г.
8. Ўзбекистон географик атласи. Т. 2011 й.

### Интернет ресурслар:

1. <http://www.archunion.com.ua/slovarik.shtml> - архитектурная энциклопедия
2. <http://www.arhitekto.ru/txt/2razv16.shtml>
3. [http://www.glazychev.ru/books/mir\\_architecture/glava\\_8/glava\\_08-01.html](http://www.glazychev.ru/books/mir_architecture/glava_8/glava_08-01.html)
4. [www.masdar.ac.ae](http://www.masdar.ac.ae)
5. [en.wikipedia.org/wiki/Masdar\\_City](http://en.wikipedia.org/wiki/Masdar_City)
6. [www.ecocity.by](http://www.ecocity.by)
7. [www.wikiwand.com/ru](http://www.wikiwand.com/ru)
8. [www.coolreferat.com](http://www.coolreferat.com)
9. [www.normativ.su](http://www.normativ.su)
10. [ru.euronews.com/tag/environmental-protection](http://ru.euronews.com/tag/environmental-protection)
11. [ru-ecology.info/term/4088](http://ru-ecology.info/term/4088)
12. [green-city.su](http://green-city.su)
13. [www.archiland.biz/park](http://www.archiland.biz/park)
14. [www.greeninfo.ru](http://www.greeninfo.ru)